XVII асрда Туркистон Хива хонлиги, Бухоро хонлиги, Кўкон хонлиги, Улуг жуз, Ўрта жуз, Кичик жуз хамда Кашкария (Шаркий Туркистон) хонликларига бўлиниб кетган эди. Сиёсий таркоклик хамда эски савдо йўли ёки ипак йўли ўз йўналшини ўзгартириб, денгиз мухитларига кўчиши Туркистоннинг иктисодий, маданий жихатдан тушкунликка олиб келган сабаблардан биридир. Иккинчидан, хонликлар ўртасидаги тўхтовсиз урушлар хам барча хонликларда хўжалик ва маданий хаётни оркага кетишига олиб келди. Шунингдек, Туркистон улуг давлатларнинг орасида сиёсий-иктисодий, маданий жихатдан махсус камал холатида эди. Шимолда Россия империяси, шаркда Хитой империяси хар томонлама хавф солиб турар эди. Шундай бўлса хам бу даврда турли жанрларда тарихий, бадиий, фалсафий, диний, тиббий мазмундаги асарлар дунёга келди. Хива хони Абулгозий Баходирхон, Сўфи Оллоёр, Боборахим Машраб, Турди Фарогий, Саидо Насафий, Махмуд ибн Валий, Мухаммад Амин Бухорий, Юсуф Корабогий каби катор шоир, файласуф, тарихчи, табиатшунос олимлар етишиб чикди. «Шажарайи тарокима» ёзма обидасининг муаллифи Хива хони, Абулгозий Араб Мухаммадхон ўгли хижрий сана 1012 йил 15 Раббиюл аввал ойида, милодий сана 1603 йил 12 августда XVII асрдаги Хива хонлиги пойтахти Урганч шахрида таваллуд топган, ўзбек элининг кўнгирот уругидандир. Абулгозийхоннинг хаёти, ижтимоий сиёсий фаолияти «Шажарайи турк» ёзма обидасида батафсил сўзлаб ўтилган. Абулгозий Баходирхоннинг асарлари ичида «Шажарайи тарокима» («Туркманлар шажараси»), «Шажарайи турк» («Турклар шажараси») мухим ўринни эгаллайди. Муаллифнинг айтишига караганда, «Шажарайи тарокима» туркман оксоколлари ва улуг бошликларнинг таклифига кўра оддий турк кишиси тушунадиган, хатто беш яшар турк ўглони хам англайдиган тилда ёзилган. Асарда Одам ато авлодлари, Мухаммад алайхиссалом пайгамбаримизга кадар ўтган пайгамбарлар эсланади, Нух пайгамбарнинг Хом, Сом, Ёфас хамда Ёфаснинг ўгли Турк хакида хикоя килади, турк, мўгул халклари тарихи сўзланади, Корахон ўгли Ўгузхон фаолияти хакида тўхталади, бутун ўгуз эли ва туркман халкининг кабилавий таркиби, уругларининг бир-бири билан богланган нукталари, тарихий-этногенезини кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, Хива хонлиги билан туркманларнинг сиёсйй курашлари хам эслаб ўтилган. «Шажарайи тарокима» асари Абулгозий Баходирхон тахтга ўтиргандан анча вакт ўтгандан сўнг ёзилганлиги таъкидланган. Бу маълумотга караганда, 1660—1661 йиллар орасида ижод килинган. «Шажарайи тарокима» ёзма обидасида туркман кавми билан Хива хонлиги орасидаги сиёсий курашлар, туркманларни итоат килдириш учун олиб борилган курашлар баён этилган, ўзбек ва туркман халклари ўртасида иноклик ўрнатилиши таъкидланган. Абулгозий Баходирхон 1630—1640 йиллари Эроннинг Исфихон шахрида сиёсий

туткунликда яшаган даврларида Рашидиддин, Шарафиддин Али Яздий каби тарихчиларнинг асарлари билан танишган. Бу асарни ёзганда Эрон ва Туроннинг тарихига оид ўн саккизта ёзма манбалардан хамда халк огзида сакланиб колган ривоятлардан фойдаланган. Асариинг ўнлаб кўлёзма нусхалари Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шаркшунослик институтида, Тошкентдаги Алишер Навоий номли кутубхонада, Ашхободдаги Туркманистон Фанлар академияси кутубхонасида, Россия Фанлар академияси Шаркшунослик институтининг Ленинград бўлимида хамда Истанбул кутубхоналарида сакланмокда. Биз асарни нашрга тайёрлашда А. Н. Кононов томонидан Ўзбекистон Фанлар академияси Шаркшунослик институтида сакланаётган энг ишончли ва тўлик нусхаси асосида киёсий метод билан 1958 йили Москва ва Ленинградда нашр килинган араб ёзувидаги асар матнидан фойдаландик. Ушбу асарни нашрга тайёрлашда бир катор сўзлар эски ўзбек тили талаффузи асосида берилди. Шунингдек, вокеа сўзи таркибидаги е товуши жарангсиз к товуши билан келиши туркий тил конунларига мос келмайди, шунга кўра е ўрнида каттик талаффуз килинувчи "Ы" товушини кўлладик. Бундан ташкари, кон, гон, кон, гон, рок кўшимчалари таркибидаги о унлиси тарихан хамда хозир хам ўзбек тилининг фонетик конунларига зид бўлгани учун а товуши оркали кан, ган, кан, ган, рак, рак шаклида бердик.
Туркий тилга хос кўк, кўл, учун кул, улуш каби сўзларда юмшок ў ва у товушларини ифодалаш имконияти бўлмади.

**Бисмиллохир рохманир рохийм**

Сипос ва стойиш ул эгага ким анинг хеч аввали ва охири йўк ва юртининг заволи йўк ва отаси ва онаси йўк ва хотини ва ўгули ва кизи ва кенгаша турган кишиси йўк турур, ошни ва сувни андак улаштургувчи йўк турур ким гадойдин то подшохгача ва кумрскадин то пилгача (филгача) ва чибиндин то семруггача барчасининг ахволига лойик берур. Бир кун хеч каюсининг улушини кам килмас, агар ер юзинда кўкарган йигачларнинг барчаси калам бўлса ва тенгизлар сиёх бўлса, барча одам фарзанди битикчи бўлса таки юз минг ва юз минг йил анинг сифатини битса тенгиздан бир катра ва тогдин бир мискол тошни битгандин азрак бўлгай. Бас менинг айдганим не бўлгай Дўруд ва тахл бешумор ул пайгамбарга ким барча пайгамбарларнинг яхшиси ва худой дўсти ва барча одам фарзандига юборган элчиси турур. Анинг ёрон ва ўглонларига кўпдин кўп тангри рахмати бўлгай. Эмди мундин сўнг Чингиз авлодиндин Урганчи Араб Мухаммадхоннинт ўгли Абулгозийхон айтатурур ким кўп эмгаклар кўргандин сўнг ёшимиз ўттуз тўккузга етганда тарих минг таки эллик бирда йилон йилинда Хоразм мамлакатинда отамиз тахтинда ўлтуруб, юрт ишига машгул бўлдук. Ул вактда туркман Мангкишлок ва Абулхон ва Тежан сувининг ёкасида ўлтуруб эрдилар. Хоразмда ўлтурганлари хам бизнинг келуримизни эшитиб кочиб, бу айтилган уч юртга бордилар. Андин сўнг бир нечаси кўч бирлан ва нечаси йўл бирлан уч юртда бир эвли колмай барчаси Хоразмга келдилар таки яхшилари навкар ва ёмонлари раъиятлари ва беклари менинг тарихни яхши билуримни эшитиб турурлар таки бир кун барчалари келиб, арз килдилар ким бизнинг ичимизда Ўгузнома кўп турур, аммо хеч яхшиси йўк, барчаси галат ва бириси бирисинга мувофик

эрмас, хар кайсиси бир турлук ва бир дуруст эътибор килгудек тарих бўлса эрди, яхши бўлур эрди теб ўтун килдилар эрса, онларнинг ўтунларини кабил килдим. Анинг учун ким бу китобни айткандин ўн етти йил илгари барча туркманлар бизга ёги бўлуб эрдилар. Ул сабабдин биз анларни кўп чопдук ва бир каррат Хуросонда Дурунга таъаллук Бурма теган сувнинг ёкасинда бизнинг бирлан саф тортиб (6-бет) урушдилар. Тангри бизга берди. Аввалдин то охиргача биз сабабли яхши ва ёмондин йигирма минг чоклик кишилари ўлди, анинг ичинда гунохкорлари хам бор эрди ва бегунохлари хам бор эрди. Пайгамбар айтиб турурлар ким-калан набийю алайхиссалом адхалассурури фи калбиа мўминни хайр мин ибодатис сакалини маъниси бу турур ким агар бир киши бир мусулмон кишининг кўнглини хушхол килса, анинг савоби барча Одам фарзандларининг ва жинларнинг тангрига бандалик килган савобиндин кўп турур. Бас неча минг кишилар менинг бу сўз айтканимга билмаганларин билиб кўнгиллари хуш бўлатурур. Худойи таолодин умидим бор ки мунинг савоби агар ул катлъомда гунох бўлган бўлса, анга голиб келгай теб ва таки ул ким бир кун бир киши бу китобни ўкуб билмаганини билса, бизнинг рухимизга фотиха ўкугай тедук таки китобни айтмакка ружуъ килдук таки бу китобга «Шажарайи тарокима» теб от кўйдук. Барча билинг ким, биздин бурун туркий тарих айтканлар арабий лугатларни кўшуб турурлар ва форсийни хам кўшуб турурлар ва туркийни хам сажъ килиб турурлар, ўзларининг хунарларин ва устодликларини халкга маълум килмак учун биз мунларнинг хеч кайсисини килмадук, анинг учун ким, бу китобни ўкугучи ва тинглагучи албатта турк бўлгуси турур. Бас, туркларга туркона айтмак (айтмок) керак, то уларнинг барчаси фахм килгайлар бизнинг айтган сўзимизни (7-бет) билмасалар андин не хосил агар анларннг ичларида бир ва ё икки ўкуган акл киши бўлса ул билса, билмаган кўпнинг кайси бирина айтиб билдурур. Бас, андак айтмак керакким, яхши ва ёмон барчалари билиб кўнгилларига маъкул бўлгай. Эмди Одамдин то бу вактгача ким тарих мингда етмиш бирда турур туркманларнинг ва сўнг туркман отин кўтариб, туркманга кўшилган элларнинг анча билганимизни бир-бир айталинг, билмаганимизга илож не.

## ОДАМ АЛАЙХИССАЛОМНИНГ ЗИКРИ

Худойи таоло фаришталарга айтдиким, турпакдин киши ясаб, жон бериб, ер юзинда ўз ўрнумга халифа килиб кўя турурмен теди эрса, фаришталар айтдилар: анлар юкориги тўшак бирлан куйиги тўшакни забт кила билмаслар. Ул сабабдин сенга осий бўлурлар, яратганинг ўла турур тедилар. Худойи таоло айтди: мен билганни сизлар билмассизлар, баринглар! Турпакдин бир кишининг суратин ясанглар теди. Азроил алайхиссалом худойнинг амри бирлан барча ер юзингдаги хар турпакдин олиб, Маккайи Муаззама бирлан Тоифнинг орасинда турпакни балчик килиб, Одамнинг суратини ясаб ётгуздилар, бир неча йиллар ўтгандин сўнг Худойи таоло анга жон берди ва минг йил дунёда турди. Одам демаклик араб тили турур, араб терини одам дер, хар нимарсанинг тошини тери дерлар, фаришталар турпакни ерни казиб, ичиндин олмадилар тошиндин олиб, (8-бет) Одамнинг суратини ясадилар, анинг учун одам тедилар анларнинг бехиштга борганлари ва андин чикканлари ва ер юзинда юрганларининг хикоятлари халк ичинда машхур

турур, анинг учун айтмадук. Одам ўлар бўлди эрса, Шис отли ўглига айтди ким, мендин сўнг, сен менинг ўрнўмга ўлтуруб ўглонларимга бош бўлгил, теб кўп насихатлар килди. Бу дунёдин ул дунёга кетди. Андин сўнг Жаброил алайхиссалом Худойи таолодин Шисга китоб олиб келди. Шис хам пайгамбар ва хам подшох бўлуб, элга адолат килиб, тўкуз юз ўн икки йил бу дунёда туруб, жаннат саройига кетди. Шиснинг маъниси Худойнинг хайбати демак бўлур. Шис ўлар вактида ўгли Анушни ўрнинда ўлтуртуб кетди. Ануш таки отаси ва улуг отасининг шариъатига амал килиб ул таки отаситек тўккуз юз ўн икки йил бу манзилда ўтуруб, ул манзилга кетди. Анушнинг маъниси содик темак бўлур. Ануш таки ўларинда ўгли Кайнанни ўрнинда ўлтуртуб, кўп насихат ва васият килди. Ул таки секиз юз кирк йил отаси юрган йўлда туруб, ўгли Махлойилни ўз еринда ўлтуртуб, Тангри якинига кетди. Махлойил замонинда Одам фарзанди кўп бўлди, ўлтурган ерга сигишмадилар, ул сабабдин Махлойил Бобил иклимига бориб бир шахар солди, отини Сус кўйди ва том, эв солди ва кендлар килдурди, андин илгари шахар ва кенд ва эв йўк эрди, тогларнинг кавокинда ва ё чангалда (9-бет) ўлтурур эрдилар, халкга хукм килди, ер юзига ёйилинг теб, барча Одам фарзандлари Махлойилнииг амри бирлан бориб, хар кайда муносиб ер бўлса, кендлар солдилар. Махлойил тўкуз юз йигирма йил сўзлайтурган шахарда туруб, ўгли Бардни ўз еринда ўлтуртуб, дам урмас шахрига кетди. Бард таки тўкуз юз олтмиш йил бу юртда ўлтуруб, ўгли Ахнуни ортинда кўйуб кўчмас ва кўнмас юртга кетди, ўглининг оти Ахнух эрди ва лакаби Идрис. Худойи таоло ани пайгамбар килди, саксон икки йил пайгамбарлик килди, халкни тўгри йўлга унлади, андин сўнг Тангрининг амри бирлан Азройил келиб Идрис алайхиссаломни парнинг устида кўюб, бехиштга олиб борди. Ул кундин то бу вактгача бехиштда турур. Идрис бехиштга боргандин сўнг ўгли Матушалах отаси ўринида ўлтурди, дод ва адл килди, умриннинг сони маьлум эрмас, ул таки отаси барган ерга борди, андин сўнг Матушалахнинг ўгли Лимак отаси еринда ўлтуруб, кўп йиллар дод ва адл килди таки отаси кетган йўлга тушуб кетди, анинг хам умри маълум эрмас, андин сўнг ўгли Нух пайгамбар отаси ўрнинда ўлтурди. Худой таоло икки юз эллик ёшига етганда пайгамбарлик берди, етти юз йил халкни тўгри йўлга ундади, эр ва хотундин саксан киши имон келтурдилар, етти юз йилнинг ичинда саксандин ортук (10-бет) киши имон келтурмаганига ачигланиб халкга дуоибад килди. Жабройил келди таки айтди ким Худой таоло сенинг дуонгни кабул килди, фалон вактда халкни сувга гарк килур бўлди, сен кема ясагил теб, кемани нечик ясарин кўрсатди, ердин сув чикдн, осмондин ёмгур ёгди ер юзиндаги жонлининг барчаси гарк бўлди. Нух пайгамбар уч ўгли ва имон келтурган саксан киши бирлан кемага минди, бир неча ойдин сўнг ер Худой таолонинг амри бирлан сувни ўзига тортди, кема Мўсул теган шахарнинг таки якинида Жуди теган тогдин чикди, кемадин чиккан кишиларнинг барчаси бемор бўлдилар, Нух пайгамбар уч ўгли ва уч келини бирлан яхши бўлдилар, андин ўзга кишиларнинг барчаси ўлдилар, андин сўнг Нух пайгамбар уч ўглининг хар кайсисин бир ерга йиборди. Хом отли ўглини Хиндистон ерига йибарди, Сом отли ўглини Эрон заминга йибарди ва Ёфас отли ўглини кутб шимоли тарафига йибарди таки учига хам айтди ким Одам фарзандлариндин сиз учунгиздин ўзга киши колмади, эмди учунгиз уч юртда турунг, хар качон ўглон ушокингиз кўп бўлса, ул ерларни юрт килиб ўлтурунг теди. Ёфасни баъзилар пайгамбар эрди деб турурлар ва баъзилар пайгамбар эрмас деб турулур. Ёйик сувининг ёкасига борди, икки юз эллик йил анда турди таки вафот бўлди, саккиз ўгли бор эрди, авлоди бисёр кўп бўлуб эрди, ўглонларнинг отлари мунлар турур: Турк, Хазар, Саклаб, Рус, Минг, Чин, Камари (11-бет) Тарих, Ёфас ўларинда улуг ўгли Туркни ўрнинда ўлтур теб ўзга

ўглонларига айтдиким, Туркни ўзунгизга подшох билиб, анинг сўзиндин чикманг теди, Туркка Ёфас ўглони теб лакаб кўйдилар, бисёр араблик ва окил киши эрди, отасиндин сўнг ерларини юрди ва кўрди.... таки бир ерини хушлаб, анда ўлтуруб, бу кун ул ерини Иссигкўл дерлар, хиргох (харгах) эвни ул чикарди, турклар ичида ким баъзи расмлар (русумлар) бор андин колди, Туркнинг тўрт ўгли бор эди, аввал Тутак, иккинчи Чигил, учунчи Берсачар, тўртунчи Имлак (Амлак). Турк ўлар бўлгонида Тутакни ўз ўрнига подшох килиб, узок сафарга кетди. Тутак аклли ва давлатли, яхши подшох эрди, турк ичинда кўп расмларни ул пайдо килди. Ажам подшохларининг аввали Каюмарс бирлан маъаср эрди. Кунларда бир кун овга чикиб кўп ўлтуруб, кабоб килиб еб ўлтуруб эрди, элкидин бир тўграм эт ерга тушади, ани олиб еди эрса, огзига бисёр хуш келди, анинг учун ул ер тузлак эрди, ошка туз солмакни ул чикарди, бу намакин расм андин колди. Икки юз кирк йил умриндин ўтгандин сўнг, ўгли Амулчахонии ўз еринда ўлтур деб, Борса келмас теган шахарга кетди. Амулчахон таки кўп йиллар подшохлик килиб, ошларини ошаб ва ёшларини яшаб отаси (12-бет) кейиндан кетди, ўлар вактинда ўгли Бакуй Дебхонни ўрнида ўлтуртди. Дебнинг маъниси тахтнинг ери, Бакуйнинг маъниси эл улуги демак бўлур. Ул таки кўп йиллар подшохлик килиб, дўстларнинг кулганин, душманларнинг йиглаганин кўриб, севинуб, андин сўнг ўлар бўлганда ўгли Кўкхонни тахтинда ўлтур деб ўлди. Ул таки кўп йиллар подшохлик килди, отаси йўлиндин ташкари чикмади, хаста бўлди эрса, ўгли Алинчахонни ўз еринда ўлтуртуб узок сафарга кетди. Ул таки кўп йиллар подшохлик килди, оталариндин вилоятлари, эл, улуслари кўп бўлди, анинг эгиз ўгли бўлди, бирининг оти Татар ва бирининг оти Мўгул, отаси кари бўлгандин сўнг юртини икки бўлуб, икки ўглига бериб вафот бўлди. Алинчахон ўлгандин сўнг, Татар ва Мўгул хар кайсиси ўз ерларинда подшохлик килдилар, Мўгулхоннинг тўрт ўгли бор эрди, аввалгининг оти Корахон, иккинчи Кўрхон, учунчи Кирхон, тўртунчи Урхон. Мўгулхон(нинг) улуг ўгли Корахонга юртини бериб, барчанинг боратурган юртига кетди. Корахон Ўр тогини ва Кўр тогни ёйлар эрди, бу чакда ани улуг тог ва кичик тог дейтурлар, киш бўлганда Сир сувининг азаки ва Коракум ва бурсукни кишлар эрди.

## ЎГУЗХОННИНГ ДУНЁГА КЕЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Корахоннинг улуг хотинидин бир ўгли бўлди. Кўрки ой, кундин ортик, уч кеча-кундуз онасини эммади, хар кеча ул ўглон онасининг тушига кириб айтур эрди: эй, она мусулмон бўлгил, агар бўлмасанг, ўлсам ўлармен, сенинг эмчакингни эммасмен теб эрди, онаси ўглини кия билмади таки Тангрининг бирликина имон келтурди ва андин сўнг ул ўглон эмчакни эмди ва онаси кўрган тушини ва мусулмон бўлганини кишига айтмади таки яшурди, анинг учун ким турк халки Ёфасдин то Алинчахон замонигача мусулмон эрдилар. Алинчахон подшох бўлгандин сўнг халкнинг боши ва моли кўп бўлди, давлатга эсирдилар таки Тангрини унутдилар ва барча эл кофир бўлдилар ва Корахон замонида кофирликда андаг махкам эрдилар ким, агар отаси мусулмон бўлганин эшидса ўгли ўлтурур эрди ва ўглининг мусулмон бўлгонин эшидса отаси ўлтурур эрди, ул чакда мўгулнинг расми андаг эрдиким то ўглон бир ёшга етмагинча анга от кўймаслар эрди, ўглон бир ёшга етди эрса, Корахон элга савун солди таки улуг тўй килди, тўй куни

ўглонни маърака ичига келтуруб Корахон бекларга айтди: бизнинг бу ўглимиз бир ёшига етди, эмди мунга на от куюрсиз теб, беклар жавоб бермасдин бурун ўглон айтди: менинг отим Ўгуз турур теб, ўшал бир ёшар ўглон анда равон келиб (14-бет) тилга, теди: билинглар аён, отим турур Ўгуз, Хисров номвар, билинглар якин барча ахли хунар, тўйга келган улуг ва кичик барча ўглоннинг бу сўзига тонг колдилар таки айтдилар ким бу ўглоннинг ўзи отини айта турур, мундин яхши от бўлурми теб, отини Ўгуз кўйдилар таки айтдилар ким бир ёшар ўглоннинг мундак сўзни сўзлаганини хеч замонда хеч ким эшитган ва кўрган йўк турур теб ани ирим этиб айтдилар, ким бу узок умрли ва улуг давлатли учи (авжи) ўзаган ва ёни ёнлаган бўлгуси турур тедилар. Ўгузхоннинг тили чикиб юрганинда олло-олло теб хамиша айтур эрди, ани хар ким эшидса, айтурлар эрди, ўглон турур, тили келмасликиндин не айтурин билмай турур дерлар эрди, анинг учун ким лафз олло араб тили турур, мўгулининг хеч отаси араб тилини эшитган эрмас, Ўгузни Худой таоло модарзод валий яратиб эрди, анинг учун кўнглина ва тилина ўзининг отини солатурур эрди. Чун Ўгуз йигит етишди эрса, Корахон иниси Кўрхоннинг кизини олиб берди, Ўгуз киши йўкда, кизга айтди: оламни, сени, бизни яратган бор, анинг оти олло турур, ани бор билгил ва бир билгил, анинг буюрганиндин ўзга ишни килмакил теди эрса, киз ани кабул килмади, шул замон кўпди таки киздин бошка ётди, кечалар бошка ётиб, кундуз сўзлашмас эрди, бир неча вактдин сўнг Корахонга айтдилар ўглингиз кўчини севмай турур, севмасликиндин олган куниндин бери бир ерда ётмай турур тедилар эрса, Корахон бу сўзни эшитгандин сўнг (15-бет) таки бир иниси Кирхоннинг кизини олиб берди, анга хам имон арз кил теди. Ул киз хам кабул килмади, анинг бирлан хам бир ерда ётмади, вокиатдин бир неча йиллар ўтгандин сўнг, Ўгузхон овга чикиб, кайтиб кела эрди, кўрди ким сувнинг ёкасинда бир неча заъифалар кир юва турурлар, отасининг иниси Урхоннинг кизи мунларнинг ичинда ўлтуруб турур, кизга киши йибариб сўз сўзлашмакка сирим ошкора бўлур теб кўркти таки кизни гўшага чорлаб, онт бериб, айтди ким, отам манка икки киз олиб берди. Анларни севмаганимнинг сабаби бу ким мен мусулмон, анлар кофир, харчанд мусулмон бўлунг тедим, кабул килмадилар, агар сен мусулмон бўлсанг эрди, сени олур эрдим теди эрса, киз сен не йўлда бўлсанг мен шул бўлайин теди, андин сўнг Ўгузхон отасига айтди, отаси Урхоннинг кизини улуг тўй килиб Ўгузга олиб берди, Ул киз мусулмон бўлди, Ўгуз ани кўп севар эрди. Мундин кўп йиллар ўтди, бир кун Ўгуз йирок ерга овга келди, Корахон барча кўчларин ва келинларин чакириб эрди, таки сўзлашиб ўлтурганда хотуниндин сўрди ким мунинг сабаби не турур, Ўгуз сўнги олган хотунини севар ва бурунги олган икки хотуннинг катига хеч бормас, хотун айтди, мен билмайман, келинлар яхширак билурлар теди, хон келинлардин сўрди эрса, улуг келин айтди, ўглунгиз мусулмон бўлуб турур, биз иккимизга мусулмон бўл теди, кабул килмадук, кичик келинингиз (16-бет) мусулмон бўлуб турур, анинг учун ўглунгиз ани кўп сева турур теди. Корахон бу сўзни эшитгандин сўнг бекларин чакириб кенгашти таки сўзни мунга кўйдилар ким Ўгузни овда юрганда тутуб ўлтургайлар, Корахон элга киши йибарди, тез келсунлар, овга чикаман теб, бу сўзни Ўгузхоннинг кичик хотуни эшитиб, Корахоннинг килган кенгашларининг барчасин айтиб, Ўгузхонга киши йибарди, Ўгузхон таки бу сўзни эшитгандин сўнг, элга кишилар йибарди, отам черик тортиб, мени ўлтургали кела турур, мени теган, менга келинг, отамни теган отамга боринг деб, элнинг кўпи Корахонга борди, озраки Ўгузхон катига бордилар. Корахоннинг иниларининг кўп ўглонлари бор эрди, анларни Корахондин айрилур теб, хеч кимнинг кўнглина келмас эрди, анларнинг барчалари Ўгузхон катига келдилар, Ўгузхон анларга уйгур от кўйдилар, уйгур турк тили турур, маъниси барчага маълум турур, ёпишгур

маънисина турур, айтурлар сут уйди, сут эрканинда бири бириндин айрилур эрди, катик бўлганидин сўнг бири бирига ёпиша турур, бу таки айтурлар ким имомга уйдим, имом ўлтурса ўлтура турур, турса тура турур. Бас ёпишкани бўлмасму? Анлар келиб Ўгузхоннинг этакина икки кўллари бирлан махкам ёпишдилар эрса, хон анларга уйгур теди, ёпишкур темак бўлур. Корахон бирлан Ўгузхон (17-бет) иккиси саф тортиб уруштилар, Худойи таоло Ўгузхонни голиб килди, Корахон кочти, урушда Корахоннинг бошина ўк тегди ким отганин билмадилар, Корахон ул ярадин ўлди. Ўгузхон отаси тахтинда ўлтурди.

## ЎГУЗХОННИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Ўгузхон элнинг барчасини мусулмонликга даъват килди, мусулмон бўлганларни сийлади ва бўлмаганларни чопти, ўзларини ўлтурди, ўглонларини асир килди, ул вактда Корахонга таъаллук элдин бошка эллар кўп эрди, хар улуг элнинг бир бошка подшохи бор эрди, кичик эллар анларга кўшулур эрди, Корахоннинг мусулмон бўлган эллари Ўгузхонга кўшулди, Ўгузхон хар йилда мўгул юртида ўлтурган эллар бирлан урушур эрди голиб келур эрди, ахир барчасини олди ва кочиб куртулганлари татар хонина бориб сигиндилар, татар халки ул вактда чурчитга якин ўлтурурлар ерди, чурчит теган бир улуг юрт турур, шахарлари ва кендлари кўп. Хитойнинг темур казук тарафинда бўлур, хинди ва тожик ани Чин мочин терлар. Ўгузхон бориб татарни чопти, татар хони кўп черик бирлан келиб урушди. Ўгузхон бости таки лашкарини кирди, Ўгузхоннинг лашкарининг кўлина ўлжали ўлук мол тушди ким юкламакка кулик озлик килди, бир яхши чебар киши бор эрди, ул фикр килиб арабани ясади, андин кўрмакча барча араба ясаб, (18-бет) ўлжаларини юклаб кайтдилар, арабага каник от кўйдилар андин илгари анида йўк эрди, ўзида йўк эрди, анинг учун каник тедилар, ким юруганда каник килиб овоз килур, ани ясаган кишини каникли тедилар. Барча каникли эли ул кишининг ўглонлари турур. Ўгузхон етмиш икки йилгача мўгул ва татар ўз сўнгаки (сингаки) эрди, анлар бирлан урушди етмиш уч йил бўлганда барчасини ўз огзига бактуруб, мусулмон килди. Андин сўнг юруб Хитойни олди ва чурчитни олди ва таки таякутни олди, танкутни тожиклар тибет дерлар, андин сўнг бориб корахитойни олди, ул хам улуг юрт бўлур, кишисининг чараси (чехраси) хинду тег кора бўлур, Хиндистон бирлан Хитойнинг орасинда михит тенгизнинг ёкосинда бўлур, танкутнинг киш(и) бўлганда кун тугуши ва ёй бўлганда тушлукинда бўлур, Хитойнинг нари юзинда, тенгиз ёкасинда берк тогларнинг ичинда кўп ел бор эрди, анинг подшохининг отини Итбаракхон дерлар эрди, анинг устина отланиб борди, урушдилар. Итбаракхон голиб келди, Ўгузхон кочти, урушкан ерининг бери юзинда окиб боратурган икки улуг сув бор эрди, ул икки сувнинг орасинда бир неча кун туруб кочкин лашнинг олдин ортин йигди, улуг подшохларнинг одатлари турур узок сафарга борганда кўчларин олиб бормок навкар халкининг хам баъзилари олиб борурлар, Ўгузхоннинг бир беги кўчин (19-бет) олиб бориб эрди, ўзи урушда ўлди, хотуни куртулуб икки сувнинг орасинда хон кейлидин етди, юкли эрди, тўлгаги тутди, кун савук эрди, кирмакка эв йўк, бир чирик огач ичинда ўглон тугурди, муна хонга маълум килдилар эрса, хон айтди: мунинг отаси бизнинг олдимизда ўлди, гамхўри йўк

теб ўгил ўкинди, отини кипчок кўйди, кадим турк тилинда, ичи кувиш (кўймиш), огачин кипчак дерлар эркандурлар анинг учун ул ўглон охач ичинда тугди теб, отини Кипчак кўйдилар, бу вактда ичи кўвиш (нов) охачни чипчак дей турурлар, кора халкнинг тили келмаслигидин кофни чим (ч) ўкуй турур, шул кипчок турур, чипчак дейтурурлар, ул ўглонни хон ўз кўлинда саклади, йигит бўлгандин сўнг ўрус ва ўлак ва мажар ва бошкирд эллари ёхи эрдилар. Кипчакха кўп эл ва навкар бериб, ул ёкка Тин ва (Атил) Итил сувининг ёкасига йибарди, уч юз йил Кипчак ул ерларда подшохлик килиб ўлтурди, барча кипчак эли анинг наслидин турурлар. Ўгузхоннинг замониндин то Чингизхон замонигача Тин ва Итил ва Ёйик бу уч сувнинг ёкасида кипчакдин ўзга эл йўк эрди, тўрт минг йилгача ул ерларда ўлтурдилар, анинг учун ул ерларни Дашти Кипчак дерлар. Чингизхон Эрон ва Турон устина келганда бу юртларнинг подшохи султон Мухаммад Хоразмшрх теган эрди, анинг пойтахти Урганч эрди. Чингизхон бирлан уруша билмай кочиб Мозондарон кетди. Чингизхон Бухоро ва Самарканд ва Тошкендни олиб Ирок ва Гилон (20-бет) ва Мозандарон ва Озарбойжон ва Гуржистонга Жеба нўён, Субидай Баходир теган икки бегини бош килиб ўттуз минг киши бирлан йиборди, кичик ўгли Тулухонни эллик  минг киши бирлан Хуросонга йибарди. Султон Мухаммад Хоразмшохнинг пойтахти ва навкари ва хазинанинг турган ери турур теб, улуг ўгли Жўжихон ва иккинчи ўгли Чигатойхон ва учинчи ўгли Ўктой (Ўгадай) хон бу учисини саксон минг киши бирлан Урганчга йибарди. Урганчда подшох йўк эрди, султонлар дунё ва дини учун саккиз ой шахарга кабалиб урушдилар, тўккузинчи ойда Чингизхоннинг ўглонлари шахарни олдилар таки халкни катлом килиб Чигатой бирлан Ўктой (Ўгадой) кайтиб Термизда отаси хизматига борди, Жўжи ўзина таъаллук навкари бирлан Урганчдин Дашти кипчакка борди. Кипчак халки йигилиб урушдилар, Жўжихон басти таки кипчакнинг кўлга тушганин ўлтурдилар, куртулгани иштакга борди, иштакнинг кўпраги бу вактда шу кипчакнинг наслиндин турур, Атил (Итил) бирлан Тин сувининг орасинда ўлтурган кипчоклар тўрт тарафга кочиб кетдилар, кўпраги черкас ва туман юртига бордилар. Жўжихон кипчакнинг ўглон ушагин ўлжа килиб, кипчак юртинда ўлтурди, мўгулдин эвини ва отаси берган элларнинг барчасин келтурди, ўзбакнинг хар уругиндин кипчак юртига кучуб келдилар, андин сўнг, Жўжихон ўлди ва юрт ўгли Сайин хонга колди, Жўжихон ўглонлариндин йигирма тўрт киши ул юртда подшохлик килдилар, анинг заманинда ул юртни Сайинхон юрти дерлар эрди, андин сўнг, ул юрт мангитга тушди, онларнинг аввали ок мангитли (21-бет) Катлик-каёлининг ўгли Эдигай бий теган эрди, андин сўнг Мангит юрти тедилар. Тарих минг таки киркда орка тарафдан калмак элиндин подшохининг оти Урлук ўн мииг эвлик келиб Мангит юртинда ўлтурди. Бу кун тарих мингда етмиш бирда ва сичкан йили турур. Эмди ул юртни калмак юрти дей турурлар, балли бу дунё бир работка ўхшар, Одам фарзандлари карвонга ўхшарлар бири кўчар, бири кўнар.

Ўгузхон Итбаракхонга бостургандин ўн етти йил сўнг таки отланиб бориб Итбаракхон бирлан урушуб, босиб, Итбаракхонни ўлтуруб, юртини олиб, мусулмон бўлганларига тегмай кўюб, Тангрига имон келтурмаганларини ўлтуруб, ўглонларини асир килиб, кайтиб эвига тушди.

## ЎГУЗХОННИНГ ТУРОН ВА ХИНДИСТОНГА ЮРГАНИНИНГ ЗИКРИ

Ўгузхон тамом мўгул ва татар элининг лашкарини жамъ килиб, Талаш ва Сайрамга келди, Тошкенд, Самарканд ва Бухоро подшохлари саф тортиб, уруша билмадилар, улуг шахарларга ва махкам калъаларга беркиндилар, Ўгузхон Сайрам ва Тошкентни ўзи кабаб олди. Туркистон ва Андижонга ўглонларини йибарди, Олти ойда Туркистон бирлан Андижонни олиб, отаси хизматига келдилар. Ўгузхон бу айтилган вилоятларнинг барчасига даругалар кўюб, Самарканд сари юрди таки Самарканднн олиб, даруга кўюб Бухорога борди, Бухорони хам олиб даруга кўюб, Балх борди, Балхни хам олиб даруга кўюб, Гур вилоятининг устига юрди, киш эрди, кунлар ёмон совук эрди, Гурнинг тогларига кор кўп тушуб эрди, лашкар халки юрмакка кийналдилар, хон хукм килди ким (22-бет) хеч ким мендин колмасун теб, бориб Гурни олди эрса, ел келиб ёз бўлди. Лашкарнинг сонин олди, бир неча киши кам келди, онларни сўрди хеч ким билмадилар. Бир неча кундин сўнг ул кишилар хон хизматига келдилар, хон анларнинг ахволини сўрди эрса, айтдилар ким бир неча киши лашкарнинг сўнгидин кела турур эрдук, тог ичинда бир кеча улуг кор ёгди, андин сўнг юрий билмай, ўшал ерда ёттук, отларимиз ва теваларимиз барчаси ўлди, бахор бўлгандин сўнг пиёда кела турурмиз тедилар, хон хукм килди: ул жамоъатга карлик десунлар теб, барча карлик эли анларнинг наслиндин турур, андин ўтуб, Кобул ва Газнайнни олди, андин сўнг Кашмир устига юрди, ул чакда Кашмирнинг подшохиниг оти Ёгмо эрди, Кашмирнинг махкам тоглари улуг сувлари кўп бўлур. Ёгмо анга орка бериб, Ўгузхонга бокинмади, бир йил уруштилар икки тарафдин кўп кишилар ўлди, окибат Згузхон Кашмирни олди таки Ёгмони ўлтурди, лашкарини катлом килди, бир неча вакт анда туруб, кайтиб Бадахшон усти бирлан Самарканд келди, андин Мўгилистонга бориб эвига тушди.

## ЎГУЗХОННИНГ ЭРОН ВА ШОМ ВА МИСР САРИ ЮРГАНИНИНГ ЗИКРИ

Бир йил юртинда туруб, иккинчи йил (23-бет) элга жар (чар) килдурди, «Эрон сари юруб турурмен, неча йиллик гамларин есунлар», теб иккинчи йили отланди таки Талаш шахрига келди, хоннинг лашкари кейининда кўйган кишилари бор эрди ариган ва очган ва адашган ва текканни олиб келсун теб, ул кишилар лашкар сўнгинда калган бир эвлик кишини хон олдига олиб келдилар, хон ул кишидин сўрди ким не учун кейин колиб эрдинг теб, ул айтди: кунликимнинг озликиндин лашкарнинг сўнгиндин кела турур эрдум, хотунум хомила эрди, тугурди, очлик сабабиндин онасининг сути ўглонга етишмади, кела турур эрдим сувнинг ёкосинда кўрдумки бир шагал бир киргавулни олди, огоч бирлан шагални урдум эрса, киргавулни ташлаб кочти, ани олиб, кабоб килиб хотунумга бериб туруб эрдим, сўнгда кўйган кишиларингиз йўлукуб олиб келдилар, хон какирга от ва озиква мол бериб бу черикка бормагил теб, кол оч теди, барча колоч эли шул кишининг наслиндин турурлар, бу вактда халач дей турурлар, Маворуаннахрда кўп турур, аймак элина кўшила турурлар, Хуросон ва Ирокда хам кўп бўлур, онлар чигатой элина кўшула турурлар. Балхга таъаллук Гур теган шахарда ўлтурган колочлардин оти Мухаммад, лакаби Бахтиёр бир пахлавон йигит бор эрди Хиндустоннинг Дехли теган шахринда

Кутбиддин (24-бет) отли бир мусулмон подшох бор эрди, Мухаммад бориб онга навкар бўлди, бир неча йилдин сўнг, улуг бек ўлди, Хиндустон теган бўлак-бўлак кўп юрт бўлур, Бихор отли бир юрт бўлур, Кашмир якининда бўлур, Кутбиддин Мухаммад Бахтиёрни илгорбоши килиб, онга йибарди, Мухаммад Бахтиёр Бихор юртини олди. Бихорнинг офтоб чикаринда таки бир юрт бор эрди, анинг улуг шахрининг оти Лакшир эрди, анинг тўксон ёшор подшохи бор эрди, ота отадин ул юртнинг подшохи эрди, бориб, ул юртни олди, неча йиллардин бери йигиштурган хазинаси кўлина тушди, Лакширнинг темур казук тарафинда бир улуг шахар бор эрди Лактуни отлик, бориб ани таки олди ва хутбани ўз отига ўкутуб ва саккани ўз отига суктуруб, Лактуни шахрини пойтахт килиб ўлтурди. Колоч элиндин ўн минг киши анинг катига йигилдилар, Лактуни бирлан Тибетнинг орасинда отлик киши бир ётиб бора турган ер бўлур, аммо бир баланд тоги бўлур, бир йўли бўлур, бир отлик юрур, икки отлик ёнашиб юрий билмас, Мухаммад Бахтиёр ўн минг отлик ва ўттуз минг пиёда бирлан ўшул йўлдин бориб Тибетни чопиб келди, таки бир неча кундин сўнг вафот бўлди, барча колоч халки йигилиб, Ширан теганни подшох килдилар, ул ўлгандин сўнг, Мардон теганни (25-бет) подшох килдилар ва Мардон йилдам ва откучи йигит эрди, аммо хеч акли йўк эрди, бу гоятда ким бир кун кўринишда ўлтурганда бекларина бокиб айтди, Исфихонни, фалонни сенга бердим. Казминни сенга бердим, шундак теб, Хуросон ва Ирок ва Румнинг анча била турган шахарларининг бир бор отларин тутуб, навкарларина улаштурди, Тангрим берса сизларга берайим темади, мундак теса, бўлмас эрди, менинг вилоятларим турур, сизларга бердим теб, таъзим килдурди ва бир кун келиб юкниб айтди ким савдогармен, бу кеча минг тангамни ўгри олиб турур теди таки девонга хукм битиб теди, девон Исфихоннинг даругаликини савдогарнинг отига битиб, мухр килиб кўлига берди. Савдогар кўркканиндин сўз айта билмай ёрликни олиб, бошига санчди, кўрнишда ўлтирган халк хам кўркинчдин хеч нимарса айта билмадилар, бир окилбеги бор эрди, ул айтди: подшохим мунга Исфихоннинг даругаликин бердингиз, бу киши агар мундин Исфихонга ёлгуз борса, сизнинг отингизга ёмон бўлур, бу кишига ул чакли нимарса берингиз ким кўшли ва навкарли бўлуб боргай теди, ул бадбахтнинг кўнглига бу сўз яхши келиб, юз минг танга инъом ва таки бир ёмонлиги бу ким колоч халкининг яхши кишиларини бегунох ўлтура бошлади, эл яхшилари йигилиб, кенгаш килиб, Мардонни ўлтуруб Аваз теганни (26-бет) Лактуни тахтинда ўлтуртдилар, ул хам ўн икки йилдин сўнг ўлди, андин сўнг, ул юрт колочларнинг кўлиндин чикди, ўзга кишига тушди, андин сўнг, колочлар навкар бўлдилар, колочларнинг подшохлиги аввалидин то охиригача эллик тўрт йил бўлди. Эмди колочларга бўлуб, айтатурган сўзимизни кўйгали мунчаклик айтдук (этдук), етар. Ўгузхон Талашдин ўтуб Самарканд ва Бухорога келиб, Аму сувидин ўтуб, Хуросонга борди, ул чакда Эрон юртинда яхши подшох йўк эрди, Каюмарс ўлуб эрди, Хўшангни хануз подшох кўтармай турур эрдилар, андак вактни араб мулукут тавоиф тер, маъниси бу ким хар бир тўп элда бир тўра темак бўлур. Турклар бўлур. Турклар андак вактни эв бошига корахон дерлар, маъниси хар эвда кора киши бир хон бўлиб турур, хар эвга бир хон темак бўлур, ул чакда Эрон юрти шундак эрди, Хуросонин олди, андин ўтуб Ироки ажам ва Ироки араб ва арман ва Шом ва Мисргача олди, бу айтилган вилоятларнинг бир нечасини урушиб ва барчасини бокиндуриб, ўзига таъаллук килди. Ўгузхон Шом вилоятинда турганда пинхоний бир навкарининг кўлига бир олтун ёй ва уч ўкни берди таки айтди ёйни кун тугишинда бир чўлда киши аёги етмас ерда турпакка кўмуб бир учини чикариб кўйгил ва ўклар кун ботиши тарафига элтиб, ёйни нечук кўйсанг ани шундог кўйгил теди, ул киши ёрликка амал килиб келди, бу вокиъадин

бир йил (27-бет) ўтгандин сўнг уч улуг ўгли Кун ва Ой ва Юлдузни чарлаб айтди: ёт юртга келибмен, ишим кўп, ов овламака кўлум етишмай турур, кун тугиши тарафинда фалон чўлнинг ови кўп эрмиш теб эшитдим, ўз навкарларингиз билан анда бориб, ўтав сўкуб келинглар теди, андин сўнг уч кичик ўгли Кўк ва Тог ва Тенгиз бу учусини чарлаб, акаларин айткан сўзни айтиб, кун ботиши тарафига йибарди, бир неча кундин сўнг уч улуг ўглонлари бир олтун ёй бирлан кўп овни хонадонларига келтурдилар, уч кичик ўглонлари таки уч олтун ўк бирлан кўп овни келтурдилар, ул овнинг этларина кўп этлар ва турдук ошларни кўшуб, халкни чакириб ёйнинг ва ўкнинг топилганини ирим килиб, ўзларига кайта берди, уч улуг ўгли ёйни синдириб олишдилар уч кичик ўгли хар кайси бир ўкни олдилар, олган вилоятларда кўп йиллар туруб, душманларини йўк килиб, дўстларини сийлаб, боши Сайрам аёги Мисргача олган вилоятларининг барчасина хокимлар кўюб, кайтиб, ўз юртига тушди.

## ЎГУЗХОННИНГ ЮРТИНА КЕЛИБ ТЎЙ КИЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Ўглонларим халким бирлан эсон омон бориб келдим теб, улур тўй ёрогин килсб, бир хиргох ясаттурди, барча огочларининг тошина олтун коплади, лаъл ва ёкут ва зумруд ва феруза ва дур бирлан мурассаъ килдурди, бу байтни ул эвнинг васфинда айтиб турурлар, байт:
Бир эв тикти олтундин ул шахриёр, Ким ул эв фалак эвиндин килди ор.
Тўккуз минг кўй ва тўккуз юз йилки ўлтуртди, булгаридин тўксон тўккуз ховуз килдирди, тўккузига арак ва тўхсонига кимиз тўлтуртди, барча навкарларини чакириб келтуртди, ул олти ўглига кўп насихатлар айтиб (этиб) ва беклар ўргатиб юртлар ва шахарлар ва эллар ва инъомлар берди. Бу байтларни анинг васфинда айтиб турур:

Шеър:
Ўгуз килди ул тўйда чиргамиши,
Бу олти ўгулни суюргамиши.
Булар кўрсатиб эрли мардоналик,
Ота бирлан кўп турли фазоналик
Отага (онлар) бас килдилар ёрлик,
Уруш кун(ларин)да барчаси борлик.

Андин сўнг барча навкарларининг откан ва чопкан ва килган хизматларига лойик шахарлар ва сархадлар ва кендлар ва инъомлар берди таки ўглонларига айтди: сиз уч улугингиз олтун ёйни топиб келтурдингиз таки ани бўзуб улаштингиз, сизларнинг отингиз Бузук бўлсун, сизлардин бўлган ўглонларни хам то киёматгача Бузук тесунлар. Уч ўк келтурган уч кичик ўглини ва андин бўлганларни бу кундин то дунё охир бўлгунча уч ўк тесунлар ёй ва ўкни ки топиб келтурдингизлар ул кишидин бўлмади ва Тангридин бўлди: биздин бурун ўтган халклар ёйни подшох ўрнинда билиб турурлар, ўкни элчи еринда, анинг учун ким ёй ўкни кайси тарафга тортиб йибарса, ўк анка борур. Эмди мен ўлгандин сўнг Кунхон менинг тахтимда ўлтурсун, андин сўнг Бузук наслиндин хар ким

кобил бўлса, халк ани подшох (29-бет) килсунлар, дунё охир бўлгунча Бузукнинг бир яхшиси подшох бўлсин, ўзгалари ўнгда ўлтурсунлар, уч ўклар сўл бўлсунлар, звнинг сўл тарафинда ўлтурсунлар ва дунё охир бўлгунча навкарлигига рози бўлсунлар, теб айтди ва юз таки ўн олти йил подшохлик килиб, хак рахматига борди.

## ЎГУЗХОННИНГ УЛУГ ЎГЛИ КУНХОННИНГ ПОДШОХЛИКИНИНГ ЗИКРИ

Ўгузхоннинг уйгур теб от кўйгани жамоатнинг улуги ва оксоколининг ўгли бор эрди. Аркил хўжа отлик, Ўгузхон отасс тахтинда ўлтуруб то ўлгунча вазир вакили ул эрди, окил ва донишли ва кўп билигли киши эрди ва Кунхон таки ани вазир килиб, то ўзи ўлгунча анинг сўзина амал килур эрди, Аркил хўжа узок умр топди, кунларда бир кун хон ёлгуз ўлтурганда айтди: отанг юзда ўн олти йил ёзнинг иссигинда сояда ўлтурмай ва кишнинг совукинда эвда ўлтурмай килич уруб кўп юртларни очиб сиз олтингизга кўюб кетди, агар сиз олтингизнинг ва сизлардин бўлганлар барчангизнинг огзингиз бир бўлса, узок йиллар ва кўп кунлар бу юртлар кўлингиздан чикмас, агар огзиларингиз бир бўлмаса, ўлжа юртингизда кетар ва бойири юртингизда кетар ва молингиз, жонингизда кетар теди. Кунхон айтди: отамга кенгаш бературган эрдингиз, отам ўрнига эмди тамсиз, сиз не ишни ўхшатсангиз, мен ани килайин, теди эрса, Аркил хўжа айтди: Ўгузхондин ўн юртлар ва шахарлар ва эллар ва ўлук моллар ва тирик моллар колиб турур, сиз олти ўгулнинг хар бирингиздин (30-бет) тўрт ўгул бўлуб, барчаси йигирма тўрт подшохзода бўлуб, сиз олтингиздин бошка ва мен андин кўрка турурмен, дунёлик учун огизларингиз ола бўлур теб, Кунхон Аркил хўжанинг сўзини кабул килиб, улуг курултой килди, яхши ва ёмон халкнинг барчаси келгандин сўнг ул Ўгузхондин колган вилоятлар ва эллар ва ўлук молларнинг ва тирик моллариииг барчасини бу айтилган ўттуз подшохзодаларнинг улугина улугча ва кичкина кичикча берди, бу йигирма тўрт ўгул одми хотунлардин бўлган эрди, мунлардин ўзга кумалардин бўлган хам ўглонлар кўп эрди, анларнинг хам ахволларига лойик нимарсалар бердилар, андин сўнг Ўгузхон килдурган олтун эвни тиктурди, ўнг ёкда олти ок ўрга ва сўл ёкда олти ок ўрга тиктурди ва таки ўнг ёкда бошина олтун такук беркитган кирк кулоч огачни тиктурди ва сўл ёкда бошина кумуш такук беркитган кирк кулоч огачни тиктурди ва таки хон ёрлики бирлан бузук ўглонлари, навкарлари бирлан олтун такукни уч ўк ўглонлари навкарлари бирлан кумиш такукни от бирлан чопин отдилар, такукларни ургон кишиларга кўп инъомлар берди. Кунхон отасининг килганига амал килиб, тўккуз юз йилки ва тўккуз минг кўй ўлтуртди ва тўккуз булгар ховузга арак тўлтуртди ва тўхсон булгар ховузга кимиз солдуртди, кирк кеча ва кундуз айш-ишрат килдилар.

## ЎГУЗХОННИНГ ЎГЛОНЛАРИ ВА НАБИРАЛАРИНИНГ ОТЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Эмди анлар ичиб ей турсунлар, биз Ўгузхоннинг этакиндин ёйилган ўглонларнинг отларини айталинг: аввал хам айтиб эрдук, андак хам бўлса, ўглонларин ва набираларин ва барчаларин бир ерда айтмакни муносиб кўрдук. Ўгузхоннинг улуг ўглининг оти Кунхон ва андин кичикининг оти Ойхон ва андин кичикининг оти Юлдузхон ва андин кичикининг оти Кўкхон ва андин кичикининг оти Тогхон ва андин кичикининг оти Тенгизхон, бу олтисининг хар кайсисининг адми хотунларидин бўлган тўрт ўгли бор эрди. Кунхоннинг улуг ўглининг оти Кайи ва иккинчи Баёт ва учунчи Алка эвли ва тўртунчи Кора эвли. Ойхоннинг улуг ўглининг оти Ёзир ва иккинчи Ёсир ва учунчи Дударга ва тўртунчи Дукар. Юлдузхоннинг улуг ўглининг оти Авшар ва иккинчи Кизик ва учунчи Бекдили ва тўртунчи Каркин. Кўкхоннинг улуг ўглининг оти Баёндур ва иккинчи Бажна ва учунчи Чавилдур ва тўртунчи Чепни. Тогхоннинг улуг ўглининг оти Салур ва иккинчи Аймир ва учунчи Ола йўнтли ва тўртунчи Урагир. Тенгизхоннинг улуг ўглининг оти Игдир ва иккинчи Букдуз (Бекидез), (Бекдуз) ва учунчи Ава (Ива) ва тўртунчи Киник, Ўгузхоннинг бу олти ўглининг кумадин бўлган ўглонларининг отларини айталинг, аммо кайси ўглиндин бўлгани маълум эрмас: Кена-куна турбатли, Керайли, Султонли, Ўкли, Кўкли, Сучли, Хуросонли, Юртчи, Жомчи, Турмачи, Кўми (Кўмчи), Сурки. (32-бет). Бу вактда ани Сурхи дейтурлар, Курчик, Суварчик, Казгурт, Киргиз, Такан (Така), Лола, Мурдашўй, Сайир. Эмди бир неча эллар ким Ўгузхон онларга от кўюб айдук. Ўгузхон наслиндин эрмаслар, андак хам бўлса, шул тўйда бор эрди, ул сабабдин отларини номада битий турурлар, отлари булар турур ким Каникли ва Кипчак ва Карлик ва Колоч.

## КУНХОННИНГ ИНИЛАРИ ВА ЎГЛОНЛАРИГА ЎРУН БЕРГАНИНИНГ ЗИКРИ

Эмди ўн икки ўргада ўлтуруб улуш олган ким ва ул улушни тўграгон ким, ташкарида отларин тутуб ўлтурган ким, онларни баён килалинг. Олтун ўрганинг тўринда Кунхон ўлтурди, барча эл яхшилари иттифок килиб, кўйнинг бошин ва оркасин, куйрукли учасин ва багрин учанинг устинда кўюб, Кунхоннинг олдинда кўйдилар хам ким хон бўлса, улушлари бу бўлсун тедилар, ўрганинг ички эшикинда Аркил хўжа ўлтурди, тўшни анинг олдинда кўйдилар таки хам ким вазир бўлса, анинг улуши бу бўлсун тедилар, сог кўлда (ўлги) аввал ўргада Кунхоннинг улуг ўгли Кайинни ўлтуртдилар сог ошикли иликни улуш бердилар. Баёт ани тўгради, Сурки отларин тутди. Бу вактда ани Сурхи дей турурлар. Иккинчи ўргада Алка эвлини ўлтуртдилар, сог кора йилики улуш бердилар, Кора эвли ани тўгради, Лола отларин (33-бет) тутди, учунчи ўргада Ойхоннинг улуг ўгли Ёзирни ўлтуртдилар, сог ёнбошни улуш бердилар, Ёсир ани тўгради, Кўми отларини тутди. Тўртунчи ўргада Дудургани ўлтуртдилар, сог ўмчани улуш бердилар, Дукир ани тўгради, Мурдашўй отларин тутди. Бешинчи ўргада Юлдузхоннинг улуг ўгли Авшарни ўлтуртдилар сог уйлукни улуш бердилар, Кизик ани тўгради, Турумчи отларин тутди Олтинчи ўргада Бекдилини ўлтуртдилар сог ёгринни улуш бердилар, Каркин ани тўгради, Корчик отларин тутди, сўл ёндаги аввалги ўргада Кўкхоннинг улуг ўгли Баёндурни ўлтуртдилар, сўл уйлукни улуш бердилар. Бажна ани тўгради. Казгурт отларнн тутди, Иккинчи ўргада Човулдурни ўлтуртдилар, сўл ёнбошни улуш бердилар. Жабни (Чебни) ани тўгради, Каникли отларин тутди. Учунчи ўргада Тогхоннинг улуг ўгли

Солурни ўлтуртдилар, сўл ашикли йилликни улуш бердилар, Аймир ани тўгради, Колоч отларни тутди. Тўртунчи ўргада Ола йўнтлини ўлтуртдилар, сўл умчани улуш бердилар, Урагир ани тўгради, Текан (така) отларни тутди, бешинчи ўргада Тенгизхоннинг улуг ўгли Игдурни ўлтуртдилар, сўл кари йиликини улуш бердилар, Букдуз ани тўгради, Корлик отларин тутди. Олтинчп ўргада Авани (Ивани) ўлтуртдилар, сўл ёгринни улуш бердилар. Киник ани тўгради, Кипчак отларин тутди.
(34-бет) Бурунги ўтган бахшилари ва умри маъракада ўтган яхшилари андак айтиб турурлар ким Угузхоннинг олти ўглинин асл хотунларидин туккан набиралари, йигирма тўрт киши эрдилар, Кунхон анларнинг хар иккисини бир ўргада ўлтуртди, ўн икки бўлак бўлдилар, бу ўн иккисидин тугканларга юзлик тедилар анинг учун ким хар нимарсанинг юзи кейиндин яхши бўлур, элнинг ва халкнинг юзларига туткан юзликлари турур темак бўлур ва таки ул ким Ўгузхоннинг бир неча от кўйган кишилари ва кумадин тугкан набиралари мунлар хам йигирми тўрт кишилар бордилар, барчасининг отларини юкорида бир-бир айтиб турурмиз. Буларниг барчаси эвнинг ташкарисинда ўлтурдилар, ўн иккиси от тутуб ўлтуртди ва ўн иккиси эшикда ўлтурди, бу йигирма тўртидин тугканларга аймак тедилар, асли умак турур, расм турур ким кора улуснинг барчаси сўзни бутун айта билмас, ёрти айтурлар. Ушбу чакда хам бир киши бир кишидин сўрса, элингнинг умаки не турур теб сўрар, умак мўгул тили турур, бу вактда калмак хам умак деб турур, умакнинг маъниси (35-бет) уруг темак бўлур. туркманларнинг ўн икки юзлик ва йигирма тўрт умак теганларининг маъниси бу турур.

## ЎГУЗХ0ННИНГ НАБИРАЛАРИНИНГ ОТЛАРИНИНГ МАЪНИСИ ВА ТАМГАЛАРИ ВА КЎШЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Туркманнинг тарих била турган билигли кариларнинг барилари Ўгузхоннинг ўн икки ўргада ўлтурган йигирма тўрт набирасининг отларининг маъниларини ва тамгаларининг нечун эрканин ва кўшлари турган кўшларининг отларини, мундак айтиб турурлар ким Кайининг маъниси махкам темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: куши шункар; Баётнинг маъниси давлатли темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: куши уки (укки); Алка звлининг маъниси мувофик темак бўлур. тамгасининг суврати бу турур: куши Куйка-нак; Кора эвлининг маъниси хар кайда ўлтурса хиргох бирлан ўлтургучи темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: куши кўбак сари; Ёзирнинг маъниси эллар окаси темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: куши турумтой; Ёсирнинг маъниси олдига хар нимарса учраса ани йикар темак бўлур, тамгасининг суврати бу иурур: куши каргу; Дудурганинг маъниси юрт олмакни ва ани сакламакни билгачи темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: куши кизил карчигай; Дукарнинг маъниси тўсарак (турк) темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: кўши кўчган (кўчкин); Авшарнинг маъниси ишни йилдам ишлагучи (36-бет) темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: куши чора Лочин; Кизикнинг маъниси бўка темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: куши сарича; Бекдилининг маъниси сўз хурматли темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: куши бахри; Каркиннинг маъниси ошли темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: куши хумой; Салурнинг маъниси кулачли темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: куши

Лочин; Бажнанинг маъниси килгучи темак бўлур, тамгасинииг суврати бу турур: куши олатўганак; Чавулдурнинг маъниси номусли темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: куши бугдайнак; чебни (жебни) нинг маъниси баходир темак бўлур, тамгасининг суврати бу турурз куши хумой; Салурнинг маъниси кулачли темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: куши бургут; Аймирнинг маъниси бойларнинг бойи темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: куши анчари; Ола йўнтлининг маъниси ола отли темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: бешик тег, куши ёгалбай; Урагирнинг маъниси яхши иш килгучи темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: куши байку; Игдирнинг маъниси улуг темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: куши карчигай; Букдурнинг маъниси хизматкор темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: куши италгу; Аванинг (Иванинг) маъниси мартабаси баланд темак бўлур, тамгасининг суврати, бу турур: куши туйгун; (37-бет) Кўникнинг маъниси азиз темак бўлур, тамгасинииг суврати бу турур: куши чаракарчигай.

## ЎГУЗ ЭЛИНИНГ АХД КИЛГАНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Хон бошлик барча халк айтдилар ким бир тавар ё ўн ё юз ва ё хар не чаклик ўлтурсангиз умчасини ушбу айтилган тег улашиб олишсунлар таки хар кайсиси ўзининг ўглонлари бирлан ва навкарлари бирлан есунлар ва таки айтдилар ким бир киши гунохкор бўлса, ул киши подшох ўлтурган ерга ёвук бўлса ва ё йирак бўлса, ул гунох килган киши подшохнинг уругиндин бўлса ва ё ўзга уругдин бўлса, хоннинг бир кишиси бориб, ани ёргу килса, анча хоннинг иниси ва ўгли ва беклари хеч нимарса кўл ёпмасунлар ва мени теб, келиб турур теб, пушти панох бўлуб, агар хар ким орка бўлсалар, ул орка бўлган кишини подшох эшикина келтуруб, оркасина килич бирлан чопиб, икки бўлак килмок керак, то кўрганча кўз ва эшитганча кулок бўлгай ва таки ул ким Ўгуз наслиндин ва бузук ўглонларидин бир кишини подшох килгайлар, икки кишини кўтармагайлар, анинг учун хон бир бўлса, эл тузалур ва икки бўлса эл бузулур, бурунги ўтган билиглилар айтиб турурлар ким бир кинга икки килич сигмас ва бир хотунни икки эр олиб ўлтура билмас ва бир юртга икки тўра сигмас, бир улуг кагазга ахднома битиб Кунхон бошлик инилари ва ўгуллари ва беклари ва элнинг кариларининг яхшилари ва йигитларининг яхшилари барчалари хатда отларин битиб ант (38-бет) ичтилар ким то тирикмиз; ушбу айтилган сўзлардин кайтмасбиз, агар бйздин бўлган ўглонлар халолзода бўлсалар то дунё охир бўлгунча бу ахдномани ўкуб амал килгайлар, агар харомзода бўлуб, юртни бузали тесалар амал килмагайлар тедилар таки отларин битиб, мухрларин босиб, ахдномани Кунхоннинг хазинасинда кўйдилар. Ўгузхон ўлганда Кунхон етмиш ёшар эрди ва таки етмиш йил отаси еринда ўлтуруб дод ва адл бирлан хонлик килди ва таки андин сўнг подшохлик килди хак рахматига кетди.

## КУНХОННИГ УЛУГ ЎГЛИ КАЙИНИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Кунхон ўлгандин сўнг барча Ўгузхоннинг набиралари ва эл яхшилари йигилиб Кайини хон кўтардилар, ул таки отаси тег элга адолат килиб йигирма уч йил подшохлик килди, хак рахматига кетди.

## ДЕББАКУЙНИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Кайихоннинг ўглонлари кўп эрди, бир ўглина улуг оталарининг отин кўюб эрди, улуг, кичик барча иттифок бирлан Деббакуйни хон кўтардилар, кунларда бир кун Деббакуйхон халкдин сўрадиким бу вактда Ўгузхонни кўрган кишидин киши борму теб, айтдилар бир киши колиб турур, салур элиндин Улаш отли тедилар, хон киши йибарди, Улашни келтуруб Ўгузхоннинг на иш кила турганин ва дўстларга не мурувват килиб душманларга не жавр мадора кила турганин бир-бир сўрди. Улаш хам билганларини айтди, андин сўнг Улашга кўп инъомлар бериб эвига йиборди (39-бет) ва таки Деббакуйхоннинг улуг беклари Ёзир элиндин, алан ва арлан, Дункар элиндин Чекас ва Бошибек ва Бигубек (Байгубек) ва баёндур элиндин Кабул хўжа эрдилар, Хон бир кун ов овлаб юрий турганда атдин йикилиб, ёнбош сўнгаки синди таки андин ўлди. Кўзиёви отли ўгли бор эрди, ани подшох кўтарди, ўттуз йил подшохлик килиб ул дунёга кетди, аммо ул Кўзиёви хон бўлганда ани кенгаш беклари аймир элиндин Кўрунчак эрди, салур элиндин Табак эрди ва таки салурдин Энкашнинг ўгли ўткан ва анинг ўгли Кулсари уч орка вазир бўлдилар, юз йигирма йил хонлик килди ва таки ўлди.

## ЎГУЗ ЭЛИНИНГ ЮРТЛАРИ ВА АНДА НЕЧА ЙИЛ ВА НЕ РАВИШ БИРЛАН ЎТИРГАНЛАРИ ВА ТУРКМАН ТЕБ НЕЧУК ОТ КЎЮЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Ўгузхондин то Кўзиёви хонгача нечукки айттук, шундак турур, эмди Иналхонни айтурмиз, Тангрим буюрса Иналхоннинг замониндин то биз бу китобни айтган чакгача бир-бир айтурмиз турур, барчаси рост турур, хеч галати йўк турур аммо Кўзиёвихон бирлан Иналхоннинг орасинда неча йил ўтганини жазм эта билмаймиз, андак хам бўлса оз айтали шояд айтсак, ёлгон бўлгай, тўрт минг йил бор турур андин (40-бет) била турурмиз, ким Ўгузхон Каюмарс замонинда эрди, Иналёвихоннинг вазир вакили кайи халкиндин Кўркут ота эрди, ул бизнинг пайгамбаримизнинг оналарииинг иниси Аббос авлодининг ўглонлари Багдод шахринда беш юз йил подшохлик килдилар, Кўркут анларнинг замонинда эрди, Каюмарс бирлан ўглонларининг ораси беш минг йил турур, Кўзиёвихон Ўгузхоннинг бешланчи ўгли турур, бас ўзингиз хисоб килинг, Кўзиёвихон бирлан Кўркут отанинг ... хони Иналхоннинг ораси неча йил бўлур, эмди биз бу айтилган тўрт минг йилда бир-бир ва от-бот кимнинг бўлганин ва кимнинг

бўлмаганин билмай турурмиз, мунча-мунча билмасак хам бошдин оёкгача сувратини билатурурмиз, ани айталинг, Ўгуз элннинг юртларининг кун тугуши Иссик кўл ва Олмалик ва кибласи Сайрам ва Казгурт тоги ва Корачик тоги ва темур казуги улуг тог ва кичик тогки миснинг кони бўлур ва кун ботиши Сир сувининт аёги Янгикент ва Коракурум, ушбу айтилган ерларнинг ичинда, ўрнида тўрт минг ва беш минг йил ўлтурдилар таки кайси уруги кўп бўлса, андин подшох кўтардилар, мундак кайидин бир кишини подшох кўтарурлар эрди, кайи уруги ва баёт уруги ва таки беш, олти оз уруглар анга кўшилурлар эрди ва таки салурдин бир кишини подшох кўтарурлар эрди, салур уруги ва (41-бет) аймир уруги ва таки бир неча оз уруглар анга кўшилур эрди ва таки ёзирдин бир кишини подшох кўтарурлар эрди, ёзир уруги ва таки бир неча оз уруглар анга кўшулурлар эрди мундин кибо килинг, кўп уругдин подшох кўтариб, оз уруглар анга кўшулиб гох олти, етти тўп бўлурлар эрди, гох уч, тўрт тўп бўлурлар эрди ва таки бири бири бирлан ёги бўлуб, чопушурлар эрди, асир килурлар эрди, ўзлариндин орткан есирларни Мавороуннахр бозорганларина сотарлар эрди, ул вактда Ирок ва Хуросан ва Мавороуннахрнинг подшохлари ва спохийлари ва раъиятлари, барчалари тот эрди, тотдин ўзга киши йўк эрди, султон Махмуд Газнавийнинг отаси Себук Тегин кайи халкиндин эрди, ўзини туркманлар асир килиб, савдогарга сотдилар ав таки бачна (бажна) уруги хам ўзиндан тура кўтариб солур эли бирлаи ёги бўлуб чопишурлар эрди, беш олти оркагача бу икки элнинг орасинда душманлик бор эрди, бачна эли салур элина голиб келур эрди, анинг учун салур эли бачна халкини ит бачна дерлар, элининг Тўймадук отли бир подшохи бор эди, ул кўшун бирлан келиб, салур элини чапиб, Салур Казан алининг онаси Чачаклини ўлжалаб кетди. Уч йилдан сўнг кадхудоси Анкаш кўп мол бирлан йибариб Чачаклини кайта олди. Бу сўзлардин арз ул ким чапканларни (42-бет) юртларинда ўлтуруб, чапилган элнинг ёвдин кочганлари Мавороуннахрга кочиб, борурлар эрди ва шундок килиб, бора-бора туркманнинг кўпи вилоятга тушди, ози колди, ул вактда туркмандин нарги тарафинда ўлтурган эллар кўп эрди, анинг кайси бирини айтайин, барча эллардин туркманга якинрак ўлтурган хитой ва каникли ва найман эрдилар, ул эллар туркманнинг колганин чопа бошладилар. Иссиккўл ва Олмалик ва Сайрам ва улуг ва кичик тоглар бу юртларнинг барчасин ташлаб, Сир сувининг аёкина келиб, подшохларини Янгикентда ўлтуруб ўзлари Сирнинг икки тарафин ёйлаб ва кишлаб ўн оркалари ўтгунча ўлтурдилар ва Мавороуннахрга тушган туркманларини тожиклар ул турк дерлар эрди, беш, олти орка ўтгандин сўнг ерга, сувга тортди таки чеккалари кисик ва кўзлари улуг ва юзлари кичик ва бурунлари улуг бўла бошлади, туркман юртига келиб ўлтурган эллардин асир ва савдогарлар Мавораунахрга кела бошладилар. Анларни кўрдилар таки тожиклар турк тедилар, бурунги туркларга туркмонанд теб от кўйдилар, анинг маъниси туркка ўхшаш темак бўлур кора халк туркмонанд теб айта билмади таки туркман тедилар.

## ИНАЛЁВИНИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Кайи кора хўжанинг ўгли Кўркут ота салур Анкаш хўжа ва Авашбанхўжа бошлик барча Ўгуз эли йигилиб, кайи халкиндин Иналёвини, подшох кўтардилар, вазири Кўркут ота

эрди, Кўркут ота хар нимарса теса Иналёви анинг сўзиндин чикмас эрди, Кўркут отанинг кароматлари кўп (43-бет) эрди, икки юз тўхсон беш йил умр топди, уч подшохга вазир бўлди, Иналёви етти йил подшохлик килди, икки ўгли бор эрди, улуг ўглининг оти Ал (Али), кичигининг оти Дуйли кайи, Иналёвихон ўлар бўлганда Дуйли кайни ўрнинда ўлтуртиб кетди. Дўйли кайи хам Кўркут отанинг сўзина амал килур эрди ва таки Кўркутдин бошка икки инак беги бор эрди, бири баёндур элиндин Букдуз отли ва таки бир игдирдин Дунка отли, Дуйли кайи кўп йиллар подшохлик килди, ўгли йўк эрди, ошин ошаб ва ёшин ёшаб умр килиб вафот топди.

## ДУЙЛИ КАЙИНИНГ ИНИСИ ЭРКИНИНГ ПОДШОХ БЎЛГАНИ ВА ЎГЛИ ТУМАННИНГ ДУНЁГА КЕЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Дуйли кайининг бир якин кариндоши бор эрди. Эрки отли, ул аза эгаси бўлуб ўлтурди, барча Ўгуз эли анга йиглаб келдилар Кўркут ота бошлик барча беклар сўрдилар хоннинг кўчларининг хеч бўйларинда борму теб, бир доя хотун келиб айтди: хоннинг бир харами хомила турур, умидимиз бор, тез бўлгай теб айтди, бир неча кундин сўнг хоннинг ўлук ошини бериб ултуруб эрдилар, хоннинг ўгли бўлди теб севинчи (44-бет) тиладилар Эрки бошлик барча беклар севинчи бердилар. Эрки халкга совун (сўкум) солди, хар ким химматига лойик савун келтурдилар, тўрт юз йилки ва тўрт минг кўй ўлтурдилар, булгаридин уч ховуз тиктурди, бирисини арак бирлан ва бирисини кимиз бирлан ва бирисини катик бирлан тўлтуртди. Бир ой кеча-кундуз тўйда барчаси яхши ва ёмон айш ва ишратга машгул бўлуб, карилар ёшин унутди ва ёрлилар (факирлар) молсизликин унутди ва бойлар ўлумин унутдилар. Ўгуз эли Кўркутга айтдилар бу ўглонга бир яхши от кўйгил тедилар, Кўркут ота мунинг оти Туманхон бўлсун теди, халк айтдилар: мундин яхширок от кўйгил дедилар, Кўркут ота айтди: мундин яхши от бўлмас теди, ул куни Дуйли кайихон ўлди эрса, бизнинг юртимизни туман тутуб корангу бўлди бу ўгул туманда тугди, анинг учун Туман от кўйдук ва иккинчи кўнглумдин яхши ирим ва ният килиб, анинг учун Туман от кўюб тўрурмен ким туман узок турмас, тез кета турган нимарса бўлур, туманли кун офтоб бўлур, туманнинг сўнгги ёрур бўлмай бўлмас, озгина турган туманни бу ўглоннинг ёшликина ўхшатибмен, сўнги офтобли, бу ўглоннинг йигит бўлуб отаси тахтинда ўлтуруб давлатли ва узок умрли бўлганина ўхшатибмен теди. Барча халк буни эшитиб, Кўркутга офарин деб хушхол бўлуб Туманга кўп дуолар килдилар ва таки Кўркут бошлик барча халк Эркига айтдилар: бир ой тўй килдинг ошинг тамом бўлмади ва ховузларга салган кимиз ва айронинг (45-бет) гулнинг сувиндин кўп бўлди, эмди бу кундин сўнг сени Гулэрки хон тегали, Туман ўзунгнинг ўглинг турур, оганг Дуйли кайининг ўрнинда ўлтуруб хонлик кил ва хар качон Туман йигит бўлса, анга не берурунгни ўзунг яхши билурсен тедилар, таки Гулэркини хон килдилар, халк бирлан яхши маъош килиб ўлтурдилар. Туман йигит бўлди. Дуйли кайихоннинг бойири кишилари Туманга сўз бердилар, подшохлик отангдин сенга мерос колган турур, барча халк иттифок бирлан Гулэркига орият топшируб эрдилар, бу шарт бирлан ким хар качон сен болиг бўлсанг, санга топшургай теб, Туман бу сўзни Гулэркига бир кишидин айттурди: Гулэрки бу сўзни эшитгандин сўнг хилватда Кўркутга айтди: таки анинг маслахати

бирлан элнинг яхшиларини чарлаб, улуг тўй килди. Кўркутни эвнинг тўринда ўлтуртуб, Гулэркихон юкунуб, кимизли аёкни сунди, Кўркут кимиз ичиб, барча халк ошагандин сўнг Гулэрки айтди: эй, эл ва халк барчангиз билурсизлар, подшохлик, Туманнинг хаки эрканин, бу вактгача Туман ёш эрди, анииг учун мен ишни кила турур эрдим, эмди Туман улуг йигит бўлди, отасининг тахтини топшира турурмен, теди, барча халк Кўркутга айтдилар хоннинг ва барча Ўгуз элининг ихтиёри сенинг кўлунгда турур, не ишни муносиб кўрсанг, ани килгил, тедилар, Кўркут бу сўзни эшитгандин сўнг киши йибариб, Туманни келтуруб, эвнинг ўртасинда ўлтуртуб, айтди: отанг ўлди, сен ёш колдинг, Гулэрки хам отанг турур ва хам (4б-бет) аканг, сени дунёга келгандин то бу чакгача кўп эмгаклар бирлан яхши асраб турур, тожу тахт ва эл барча юрт сенинки турур сендин ўтунумиз бу турур ким бир бир неча кун сабр килгил, акангнинг бир-бир кейиндин нарилики ёвук бўлуб турур теди эрса, Туман айтди, барча Ўгуз элининг яхшиси отамнинг вазири ва менинг бобом турурсен, сўзингизни кабул килдим, теди, Гулэркининг бир кизи бор эрди, бисёр кўркли ота-онасининг барча ишларина эркли, Кўркут Гулэрки бирлан Туманга сўзлашиб, етти кеча-кундуз тўй килиб, подшохларга лойик асбоб ва2 тузук бирлан кизни Туманга топшурдилар, ул вактда авшар элининг хони бор эрди. Ойна отли бу кизни ўглига айттуруб эрди, Гулэрки кабул килиб, бермак бўлуб эрди, Ойнахон кизни Туманга берганин эшитгандин сўнг черик тортиб, Гулэркининг устига юрди, Гулэрки хам улуг черик бирлан карши бориб, урушиб Ойнани бости, Ойнанинг ўглини ўлтурди ва авшарнинг лашкарин кирди, Ойнани кавуб юртина борди, юртини олиб, олти ой анда ўлтурди, (47-бет) кочиб ўзга элга борди, Гулэрки онт ичиб, Ойнага киши йибариб, айтди ким бу ёмонликни килган сен эмас эрдинг, ўглунг эрди эрса жазосин топди, эмди сенинг бирлан кариндош турурмиз, кел таки юртунгга эга бўл, мен кайтатурмен теди. Элчи бориб бу сўзларнинг барчасини айтди, Ойна инониб келиб Гулэркини кўрди, Гулэрни таки юртини топшуруб кайтиб ўз юртига тушди.

## ТУМАННИНГ ЎГЛИ БЎЛГАНИ ВА АНГА ЁВЛИ ОТ КЎЙГАНЛАРИ ВА ЙИГИТ ЕТИШГАНИДАН СЎНГ КОНЛИ ЁВЛИ ОТ КЎЙГАНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Туманнинг Гулэрки кизиндин ўгли бўлди, отини Ёвли кўйдилар тугшили ва алп бўлди ва йигит етилди, бир кун сувнинг ёкасинда йигитлар бирлан ўйнай турур эрди, бир йигит бирлан урушди, ани урайин теб нимарса излади, якинда бир тўп казгандин ўзга нимарса топмади, анинг учиндин тутуб тубиндин чикариб ул йигитнинг, бўйнига урди эрса, бўйни узилди таки ўлди, Гулэрки, хон, Туман ва Кўркут барча беклар ўлтуруб эрдилар Ёвлининг бу килган ишин айтдилар, эрса улуг ва кичик ва яхши ва ёмон ва кўрган ва эшитган тонглаб хайрон колди, Туман айтди: бу ўглоннинг отини бу вактгача (48-бет) Ёвли дейтурур эрдук, эмди Конли Ёвли темак керак теди эрса, андин сўнг анга барча халк Конли Ёвли тедилар. Кунлардан бир кун Гулэркихон ўргада ўлтуруб эрди Туман таки анда хозир эрди, Конли Ёвли эшикдин кириб келди ва ўрта ерда ўлтурди таки Гулэркига бокиб айтди эй, бобо бу ўлтурган тахтинг улуг отам Дуйли кайининг турур бу вактгача отам Туманни ёш турур теб, бермадинг, эмди не учун бермай турурсен теди. Гулэркихон бошини кўйи солиб кўп ўлтурди таки бир фурсатдин сўнг бошин кўтариб

айтди: бу сўзни мен сендин бурунрак айтур теб умид килур эрдим ва хосса улкун ким тикан бирлан кишининг бўйнин уздунг, рост айтатурсен, хўб бўлур, яхши бўлур, эмди отангга топшурмак керак.

## ТУМАННИНГ ХОН БЎЛГАНИН ЗИКРИ

Гулэрки бу сўзларни набирасидан эшитгандин сўнг Кўркут бошлик барча Ўгуз элина киши йибариб келтуруб, улуг тўй килиб Туманни хон кўтариб тахтинда ўлтуртуб, Гулэрки аёк устунда туруб, Туманхонга айтди: отанг ўлуб, мен бу тахтда ўлтуруб, элни сўрайтургали ўттуз беш йил турур, сендин умидим ул турур ким мен нечук элнинг яхши ва ёмонни сўруб, йўл бирлан подшохлик килиб юриган бўлсам, сен хам ўшул йўл бирлан юригайсан теди. Туман айтди: яхши айта турурсиз, агар менинг давлатим бўлса, сизнинг бу насихатларингизни кабул килгайман, теди, юрт сўзлари тамом бўлгандин сўнг Гулэркихон Конли Ёвлининг юзига бокиб айтди: эй кизим ўгли кизидин бўлганнинг дўстлики бўлмас теб эшитиб эрдим, бурунки ўтганларнинг сўзларини ёлгон килмадинг теди. Туманхон тўрт ой хонлик килгандин сўнг Кўркут бошлик барча халк Туманга айтдилар Тангрига шукр килгил, Конли Ёвлидай яхши ўглунг бор, муносиб ул турур ким подшохликни анга бериб ўзунг айшу ишратга машгул бўлгайсан, тедилар эрса, Туманхон кабул килди, таки подшохликни ўглига бериб, тинч кўнгул Тангрининг бандалигин килиб ўлтурди.

## КОНЛИ ЁВЛИНИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Ул ажойиб баходир ва мерган ва алп эрди, тўрт тарафинда юртларнинг барчасин ёвлаб олиб ўзига бактурди, анинг замонинда бўри кўйга ва барс кийикка ва бургут куёнга ва карчигай какликка зўр кила билмади, элларни тузуб ва ёгиларни бузуб ва ўз замониндаки подшохлардин ўзуб, тўхсан йил подшохлик килиб вафот топди.

## МУРЁВИНИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Конли Ёвлининг икки ўгли бор эрди, улугининг оти Мурёви ва кичикнинг оти Кора Алп Арслон, ўлар бўлганида юртини икки бўлди, Туркистон ва Янгикентни Мурёвига берди, Толаш бирлан Сайрамни Кора Алп Арслонга берди, бир неча йил ўтгандин сўнг Кора Алп Арслон акаси Мурёви бирлан ёги бўлди, эл яхшилари орада юруб кўп насихатлар килиб,

яраштурали тедилар, Кора Алп Арслон рози бўлмади, ахир иккиси лашкар тортиб, Сайрам устинда урушдилар. Мурёви голиб келди, Кора Алп Арслон урушда ўлди, барча элларини чопиб, бир йил анда (50-бет) туруб, кайтиб эвига тушди. Кора Алп Арслоннинг бир кичик ўгли бор эрди, ани ва кўчларини Мурёви олиб келди ва мундин бир неча йиллар ўтди, бир кун Мурёви ўлтуруб эрди. Кора Алп Арслоннинг ўгли келди, анинг юзига бокиб юзига айтди: агар отанг нодонлик килиб, менинг бирлан ёги бўлмаса эрди, мундак етим бўлуб саргариб юрмас эрдинг, дариго на килайин теб кўп йиглади таки айтди: сенинг отинг Алп Тугач бўлсун теди, отасиндин колган яхши кишиларни келтуруб Алп Тугачни анка топшуруб, отасининг юртини бериб кўчуруб йибарди, халкга хукм килди: Кора Алп Арслоннинг элиндин ўлжа килиб келтурган кишиларин кайтара йибарсун теб, Алп Тугач бориб отасининг юртинда ўлтурди, тўрт ёкка кетганнинг барчаси анга йигилди, Мурёвихон етмиш беш йил подшохлик килиб, ул дунёга кетди.

## МУРЁВИ ЎГЛИ КОРАНИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Мурёвининг хотунларидин ўгли йўк эрди, Ўрнахон тегиннинг элин чопиб олганда бир заифани ўлжа килиб бир неча кун бакиб йибарди, ул заифа юртига баргандин сўнг Мурёвихондин хомила бўлуб турурмен теди. бир неча ойдин ўгул тугурди, отини Кора кўйдилар, тагайларининг ичинда ўсди, йигит бўлгандин сўнг кочиб Мурёвихон катига келди, Мурёвихон хам ани ўгул килди, Мурёви ўлгандин сўнг барча халк йигилиб, ани хон кўтардилар, эл бирлан яхши маош килиб, кирк йил хонлик килиб вафот топди. (51-бет).

## БУГРАНИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Корахоннинг Бугра отли ўгли бор эрди, барча халк Корахон ўлгандин сўнг Буграни подшох кўтардилар, Буграхон барча ўтган оталаридин ортук бўлди, улуг лашкар бирлан келиб Бухоро ва Самаркандни олиб, ўз кариндошлари юртинда ёги бўлган сабабдин тура билмай кайтиб кетди, андин сўнг келиб Хоразм мамлакатини олиб кўп йиллар анда подшохлик килди, бир каррат орка тарафига лашкар тортиб бора турганди бир кун хон айтди: кўнглимиз бугдой униндин бўлган ошни тилай турур, угра ва ўзга ош килгали бавурчи ва ошнинг асбоби топилмади, хон ун келтуртди ва хамир килдурди ва ўзи кўли бирлан ёзиб козонга солди, ўлтурган навкарлари хам хонга ёрулик килдилар, пишириб ичди таки айтди: бу ошнинг оти Бугра хоний бўлсун теди. Бу кун халк ичинда бугра теб пишира турурлар, ул ош турур. Хоннинг ўгли бор эрди, улугнинг оти Эл тегин ва иккинчисининг оти Кўзи Тегин ва учунчисининг оти Бег Тегин, Тегин маъниси, кадим турк тили бирлан яхши сувратли темак бўлур. Хон кари бўлганидин сўнг подшохликни Кўзи Тегинга берди таки ўзи тинч ўлтурди. Бобир отли хотуни бор эрди, бисёр окила ва зохида ва обида ва солиха ва кафия эрди, ўглининг онаси эрди, ул вафот топди эрса,

Бугрохон улуг аза тутди, бир йилкача киши бирлан сўзлашмади ва эвдин чикмади. Бир кун Кўзи Тегин отасига качонгача аза тутуб гамгин бўлуб (52-бет) ўлтурасиз, овга чикинг, шояд кўнглингиз очилгай теб, отасини хар бир кун бир тарафга овга ва сайрга олиб чикди бир неча кундин сўнг эмди хоннинг кўнглина хаво ва хавас пайдо бўлди, булгай теган вактда айтди, беклар айта турурлар хонга муносиб ул турур ким кадхудо бўлгайлар, хон айтди: андак хотун не ердин топилурки келиб онангнинг ўрнин тутгай теди, Кўзи Тегин онам тег бўлмаса андин йиграк бўлсун теди, хон харчанд кадхудо бўлман теди, аммо Кўзи Тегин ихтиёрина кўймади. Авшар элинда Эгранж теганнинг кўркли яхши, юртда от кўтарган кўркли кизи бор эрди, ани хонга олиб берди, ул бадбахт кизнинг кўнглина бу маъкул бўлди ким Кўзи Тегиннинг манга майли бор, анинг учун мени отасига бахона бирлан олиб бературур, то ўзи менинг бирлан пинхоний айш килгай, йўк эрса, кари кишига менинг тег сохибжамол кизни олиб берур эрди теб, бир кун Кўзи Тегин отасин кўрайин теб келди эрса, хон ухлаб ётиб ва хотун ўлтуруб эрди, Кўзи Тегиннинг катира келиб ювин ва кўзин силаб сийпаб эрди, эри билан ўйнаганда хотунлар нетак килурлар, шундак кила бошлади. Кўзи Тегин кўнглиндин бу онам ўрнига бўлуб, манга мехрибонлик кила турган турур (53-бет) теди яна бир неча кундин сўнг хилватга топиб Кўзи Тегинга айтди: хеч менинг холимдин хабаринг борму мен санга ошик турурмен, кечалар уйкум ва кундузлар карорим йўк, менинг холимга карамас бўлсанг не учун мени кари кишига олиб бердинг, теди. Кўзи Тегин айтди: сен менинг онам турурсан, агар бу кундин сўнг бу килигингни кўймасанг сени пора-пора килиб хар мучангни бир ерда кўярман теди, хотун вокиатни ўзининг каринтош хотунларига айтиб кенгашти эрса, онлар айтдилар, Кўзи Тегин бу сўзни хонга, халкга айтмасдин бурун айтмак керак, йўк эрса ўлумга кетарсен теб барчаси иттифок бирлан бир хотунни йибардилар, ул хотун бориб Кўзи Тегиннинг эвиндин ўтукни ўгурлаб келиб Буграхоннинг эвига келиб таки кайтиб бориб ўтукни еринда кўюб келди, ул хон эвда йўк эрди, овга бориб эрди, тун яримдин сўнг озгина кор ёгиб эрди, сахар вактинда хотун кичкира бошлади, тонг откандин сўнг халк эшитдилар ким ўргадин йиглаган хотиннинг овози чика турур, эр ва хотун барча йигилиб ўрганинг эшикина бордилар эрса, кўрдилар ким хоним юзин йиртиб, барча ерини кон килиб айта турур ким бу кеча сахар вактинда ухлаб ётиб эрдим, бир киши келиб кўйнимга кирди, кўрдум эрса, Кўзи Тегинхон айтди кичкирма, мен турурмен, санга ошик бўлуб, отамга олиб бердим, анинг учун ким кундуз отамнинг бўлсанг кеча меники бўлгайсан теб, йўк эрса, отам хотунни не килур эрди теди, кичкира бердим (54-бет), онасига мундак иш не ерда бор теб, мендин бу сўзни эшитгандин сўнг кочиб чикиб кетди, ёнинда ёткан хотунлар бу сўзга гувохлик бердилар ва таки хоним айтди: мундин яхширок гувох бўлмас, ер кор турур изини кўрунг теди, изни кўрдилар, Кўзи Тегиннинг эвиндин чикиб, ўргага келиб таки кайтиб Кўзи Тегиннинг эвига бориб турур, Кўзи Тегин изнинг катига келиб аёгин кўйди, иккиси бир тег бўлди, Буграхон овдин келди, анга хам айтдилар, хон бошлик барчаси беклар Кўзи Тегинни чакириб айтдилар, бу не турур ким кеча сен килибсен, Кўзи Тегин ул хотундин кўрганин ва эшитганин айтди таки теди мен уялганимдин айта билмадим, иккинчи ул ким заифани отамга мен олиб бериб эрдим, халк ичинда расво бўлмасун тедим, ул мендин бурун карбанди (айтиб турур) теди, халк икки бўлак бўлдилар, ярими хотун сўзига инондилар, ярими Кўзи Тегие сўзига инондилар, ахир барчалари иттифок килиб, хоним ёнинда ёткан хотунларни хон олдига келтуруб сўрдилар, айтмадилар, сиёсат килур бўлдилар эрса, аввалдин то охиригача килган кенгашларина авшарнинг хотунларининг айтган сўзларини ва ўтукни ўгурлаганини бир-бир айтдилар эрса, Буграхон Кўзи Тегинга айтди бу хотунни унамай

эрдим, шундак бир фитна бўлур теб, сен мени ихтиёримга кўймадинг. Эмди муни не килурингни сен яхши билурсен теди эрса, Кўзи Тегин буюрди беш эмлак (кисракли) байтални келтуруб икки аёгин ва икки (55-бет) кўлин ва бўйнин хар кайсисин бир байталнинг куйругига боглаб, байталларнинг бутларина тиззанинг учи бирлан санчдилар, тўлай-тўлай хотунни беш пора килиб, хар кайсиси бир андомни ўз ўгурина олиб кетди. Буграхон кўп йиллар подшохлик килди ва тўхсан яшаб ўлди.

## БУГРАХОННИНГ ЎГЛИ КЎЗИ ТЕГИННИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Кўзи Тегин отаси тахтинда ўлтуруб, душманларини йиглатиб ва дўстларини кулдуруб, элга адолат килиб, факир мискинга хайр ва эхсон килиб кирик йил хон бўлиб етмиш беш ёшига етганда ўгли Арслонни ўрнинда ўлтуртуб вафот топди.

## КЎЗИ ТЕГИН ЎГЛИ АРСЛОННИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Арслон отаси тахтинда ўлтуруб улуг хон бўлди, кўп йиллардин сўнг Сўражик эли ёги бўлди, Арслон бориб Сўражик элини чопиб, колганини ўзина бакиндуруб келди. Анда бир ёш ўглонни ўлжалаб келтуруб отини Сувар кўюб, кўлинда ўстурди, ул аклли ва тугшали ва мерган ва чечан, хунарли, хар макомга ва хар йўлга юрумакни билатурган ва хонга инак бўлди. Барча эшик халки (якинлари) кўра билмасликиндин мунунг бирлан ёман бўлдилар, Суварнинг айбини хонга нечук айтурларини била-билмай юруб эрдилар, бир кун маъракада хон Суварнинг кулокина сўз айта турур эрди, саколи хоннинг юзига тегди, Сувар кетгандин сўнг хон бекларига бокиб айтди Сувар эсруни ўпуб бўлуб турур теди, беклар айтдилар: биз мунинг кила турган ишларини хилватда арз килали теб, хилват бўлганда айтдилар: фалон вактда, фалон молингизга мундаг хиёнат килди ва фалон сирингизни халкга фош (56-бет) килди ва ёгидин олиб келиб эрдингиз аслига торта турур, биз анинг килган ёмонликларининг кайси бирин айтали, барча ишлариндин ёманрак бу ким сизнинг кўчингиз бирлан бирикиб юрий турур тедилар, Арслонхон айтди, Суварни Янгикендга хизматга йибардим, келгандин сўнг сизларга топиштурайин, нечук ўлтурурингизни сизлар яхши билурсизлар, теди таки айтди фалон ерда кийик кўп эрмиш ўзум борайин теб эрдим, туна кундин бери барча ерим огрий турур, сизлар халкга бош бўлуб бориб, ўтав сукунгиз факир ва мискин киш азуки олсунлар, беклар холкни олиб, овга кетдилар, хон хотуни бирлан кенгашиб хаста бўлди. Бир неча кундин сўнг хароб бўлди эрса, эвда калган беклар овга кетган бекларга ва Суварга киши йибардилар, хоннинг холи ёман бўлди, етиша кўрсунлар, теб, беклар овдин келур куни хон ўлди, келдилар эрса, кўрдилар хон ўлуб турур, барча беклар кенгаштилар, таки хоннинг ўлук ва тирик бўлган молининг барчасини олдилар, ул вактда Сувар хам келди, Суварга айтдилар: хоннинг ўлукини качон чикарурини, не ерда кўярини ва азанинг барча

таклифини хоним бирлан сен билурсен, сен килгил, анинг учун тирикликинда хам сиз иккингиз барча ишни килатурган, ўлганда хам сизлар килинг тедилар, таки ўлик устина келмадилар, ташлаб кетдилар. Сувар хон аёкининг учинда саколини кесиб, бир тошни олиб бошига ва кўксига уруб, барча ерини пора-пора килиб айтиб йиглай турур эрди, ўлганингда бўлмадии бир аёк сув бера билмадим ва хизматингга ярамадим, эмди сени бир ерда кўймак учун турубмен, андин сўнг сенсиз бу дунёда юрумак манга харом турур ўзумни ўзум (57-бет) ўлтурурмен таки сенинг аёк учингда ётурмен теб, йиглаб ўлтуруб эрди, хон ериндин кўпа келди таки Суварни кучоклаб юзиндин ўпди таки айтди: сенинг ва сендин гийбат килатурган бекларнинг хакикатин билмак учун ўзимни ўлук килиб эрдим теди, хоннинг тирилганин эшатиб, барча халк келдилар, хоннинг молларин олиб ўлукка карамай ташлаб кетган бекларни тутуб, кўзларин кўр килиб ва кўлларин кестурди. Арслонхон етмиш йил подшохлик килиб вафот топди.

## БУГРАХОННИНГ УЛУГ ЎГЛИ ЭЛ ТЕГИН ВА АНИНГ ЎГЛИ УСМОННИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Арслонхоннинг ўгли кичик эрди, улуг умминнинг ўгли бор эрди, Усмон отли ани хон килдилар, ўн беш йил подшохлик килиб вафот топди.

## ЭЛ ТЕГИН ЎГЛИ ЭСЛИНИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Усмоннинг бир иниси бор эрди, Эсли, ани хон килдилар. Ул таки уч йил хон бўлуб, отаси кейининдин кетди.

## ЭСЛИ ЎГЛИ ШАБАННИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Эслининг Шабан отли ўгли бор эрди, ани хон килдилар, ул таки оталари юрган йўлдин юруб, яхшига яхши ва ёманга ёман бўлуб, йигирма йил отаси тахтинда ўлтуруб улуг оталарининг кўчининг ерина тушуб кўчуб кетди.

## ШАБАН ЎГЛИ БЎРАННИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Шабаннинг ўгли бор эрди, Бўран отли, ани хон килдилар. Бўран таки эл бирлан яхши сулук килиб, Ўгуз элининг расмларин ва коидаларин бир тараф килмай, ўн саккиз йил подшохлик килиб вафот топди.

## АЛИНИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Ул вактда Ўгуз эли Сир сувининг икки тарафинда аёкина якин ўлтуруб эрдилар, (58-бет) мўгул келиб кўп чопти, анга тоб келтура билмай кўпраки кўчуб кетди, Урганч бордилар, колганлари Али тегинни хон кўтардилар ва Алининг бир ёш ўгли бор эрди, Килич Арслон отлик, анга Шох Малик лакаб кўюб Букдуз элиндин Кўзичи бек теган юз ёшар киши бор эрди, ул вактда Ўгуз элининг юрти Сир сувининг аёки Урганч бирлан Сир сувининг ораси Аму дарёсининг икки тарафинда Урганч бирлан Марвнинг орасиндаки кумнинг ичи то Мургаб сувининг аёкигача Алихон ўзи Янгикентда ўлтуруб шох Маликни Кўзичига топшуруб ўглига Кўзичининг сўзиндин чикма теди, Кўзичига айтди: шох Маликни Ўгуз элининг ичина олиб бор, анда ўссун, бу халкга ва халк мунга ўргансун, элнинг бир четинда мен ўлтуруб бир четинда ўгулум бирлан сен бўлгил теб узатди. Шох Малик эл ичига келди, халк ани подшох кўтардилар, бир неча йиллар ўтгандин сўнг шох Малик йигит етишди, аммо золим бўлди, кишининг кўрмакка яхши кизи ва хотуни бўлса бакти, Кўзичи кўп насихатлар килди кабул килмади, эл шох Маликка бедодгар теб от кўйдилар, бора-бора эл яхшиларнинг кизлари ва хотунларига зўр кила бошлади эрса, Ўгуз эли йигилиб ўлтурур бўлдилар, таки эшитиб отаси катига кочти, Кўзичибек хам кейининдин кетди таки Алихон катига шох Маликдин бурун (59-бет) борди таки бўлган вокиатни бир-бир айтди андин сўнг шох Малик борди, Алихон Шох Маликни тутуб камчилатдилар таки кўлини боглаб кўйди. Муни эшитиб Кўзичи келди таки хонга муни бандлатиб на килай дей турурсен теди, хон айтди, Ўгуз элина йибарайин дей турурмен то уларнинг кўнгли мендин рози бўлсун. Кўзичи айтди: агар шох Маликни йибарсанг ўлтурурлар таки магрур бўлуб сенинг бирлан ёги бўлурлар хам ўглунгдин ва хам элингдин айрулурсен теди Алихон айтди элнинг рўшини сен кўруб келибсен, яхши билурсен, ўзининг ўхшарини айткил теди, Кўзичи айтди: маслахат ул турур ким мен илгари бориб элга сенинг тилингдин узр айтайин, Алихон ўглини урди ва кўлини оёкин боглабсен, халкка йибарди, не килурин халк яхши билур теб мен илгари келдим, ани айтайин теб, ул менинг сўнгумдин тез келур тегайин, сен барча лашкарларингни ўглингга бериб, менинг кейинимдин йибаргил, мен анларни сўзга юпатиб турганда шох Малик бориб яхшиларини тутуб ўлтурсун то ёмонлари хукмга бўюн кўйгай теди, Алихон хам бу ишни ўхшатиб килур бўлди.

## ЎГУЗ ЭЛИНИНГ АЛИХОНГА ЁГИ БЎЛУБ ШОХ МАЛИКНИ ЎЛТУРУБ ЭВ БОШИНА КОРАХОН БЎЛУБ ТЎРТ ТАРАФГА КЕТГАНИНИНГ ЗИКРИ

Эмди шох Малик кочиб кетгандин сўнг элнинг не килганин айтали: ул вактда Урганч ва Мургаб ва Тажанда ўлтурган элнинг улуг беги кайи элиндин Киркўт теган эрди. Эл ичинда бир жинли бор эрди. Мирон Кохин дерлар эрди, Киркутбек ани чакириб айтди: Шох Малик бирлан Кўзичибек биздин огриб Алихон катига кочиб кетти, эл бирлан хоннинг иши нечук бўлур эркан теди, Мирон Кохин бир соат сўзламай ўлтурди таки айтди: тез Ўгуз элининг ичинда уруш бўлиб, кизил кон кора сувтег ока турур. Алихон тез ўла турур, анинг ўрнига бир киши подшох бўла турур, теди, бу сўз тамом бўлди. Эмди ўзга сўзни айталинг. Бир киши бор эрди, Тугурмиш отли, отасининг оти Керанча хўжа кайи элиндин, эв ясай турган ёрли киши эрди, бу вокиатдин кўп йиллар бурун Тугурмиш бир кеча ётиб эрди, туш кўрар ким кўксиндин уч дарахт кўкариб баланд чикди таки бутакланди ва ёпрокланди, эрта туруб бориб бу тушни Мирон Кохинга айтди, бу кўрган тушингни хеч кишига айтмагил, яхши туш турур, бу теди, Тугурмишнинг уч ўгли бор эрди, хар ўглининг бошиндин Худой йўлина бир кўй ўлтуруб, пишириб халкга берди, улуг ўглининг оти Тутат, ўртанчасининг оти Тўгрул ва кичигининг оти Арслон Киркўт бекка каринтош эрди, учуси таки Мерган ва бўга эрди, Киркўтбек Тугрўлни ўнбеги килиб, ани Тўгрул ўнбеги дерлар эрди. Эмди шох Маликни айталинг. Кўзичибек Алихонга менинг кейинимдин юборгил теб, Янгикентдин кетиб, Урганчда ўлтурган элнинг ичига келди, ул вактда халк Тўгрулнинг огзига карай турур эрдилар, Тўгрул Кўзичига айтди: сўзнинг ростини айтгил, йўк эрса, кариган чакингда эсинг кетиб, кин остинда ўларсен теди, кўркканиндин ростини айтди, Кўзичини банд килдилар, барча элга киши чоптурдилар, ўн олти минг киши йигилди, Шох Маликнинг келатурган йўлина бориб, Киркўтбек саккиз минг киши бирлан йўлнинг бир ёнинда турди таки узок каравул (киравул) солди, бир кун каравул кела турур теб келдилар, отланиб, йўлнинг икки ёнин олиб турдилар, Шох Маликнинг лашкари йигирма минг киши эрди, ёрини (ярми) ўта берганда икки тарафдин от солдилар, улуг уруш бўлди, Тўгрул голиб келди. Шох Маликни тутуб ўлтурдилар ва бекларини хам ўлтурдилар, Алихон бу хабарни эшитгандин сўнг тез ўлди, Ўгуз эли бири бирлан ўчли ва конли бўлдилар, эв бошина Корахон теган бўлди, бири бирини чопти ва бири бирини ўлтурди ва таки Киликбек (Кутлукбек) ва Козанбек ва Караманбек бош бўлуб, кўп эл Мангкишлок кетдилар анларнинг ичинда хар элдин бор эрди, аммо кўпраки аймир ва дукар ва игдир ва чавулдур ва каркин ва салур ва агар эди. Аличокбекнинг ўглонлари бош бўлиб, Хисор тогина кетдилар ва бир неча эллар: ўкли эли ва кўкли эли ва агар эли ва султонли эли Абулхон тогина кетдилар, ёзир эли Хуросонга бориб, Дўрун атрафинда кўп йиллар ўлтурдилар, ул сабабдин Дўрунга Ёзир юрти дерлар, ёзир элининг бир нечаси Дўрун ёкинда тог ичинда дехкончилик (62-бет) килиб ўлтуруб эрдилар, бу вактда анларни коратошли дейтурурлар ва таки салур элиндин Динглибек бошлик ўн минг эвли Хуросонга бордилар таки кўп йиллар анда ўлтурдилар. Таки андин кўчуб Ирак ва форс бордилар таки анда ватан тутуб колдилар, киник уругиндин султон Санжар мозининг отаси Султон Малик шох бориб Ирок ва форсни олиб, Исфихонни пойтахт килиб ўлтурган вактда салур эли Динглибекнинг ўзининг ва ул барган жамоатнинг насллариндин бир неча кишилар келиб султонга навкар бўлуб, арз килдиларким, биз Ўгуз эли салур халкиндин турурмиэ. Улуг оталаримиз Туркистондин келган турурлар теб, каринтошликларини маълум килдилар, ул салурдин бир неча Ирокдин кайтиб Мангкишлок келдилар, анларнинг нечук келганларини Тангрим буюрса айткум эрур. Бурунки ўтган халк айтиб турурлар, Ўгуз эли кўчуб, чекиб юрумадук йўл

борму, эвин тутуб ўлтурмадук, юрт борму?

## ТУГУРМИШ ЎГЛИ ТУГРУЛНИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Ўгуз элининг Шох Малик бузукликиндин кетмай Сир Сувининг аёкинда ва Аму сувида (бўйида) ўлтуруб колганлари, Тугурмиш ўгли Тўгрулни хон кўтардилар, ул йигирма йил подшохлик килиб вафот топди ва андин сўнг Тугурмишнинг кичик ўгли Арслонни хон килдилар ул таки ўн йил подшохлик килиб, кетганнинг кейининдин кетти эрса, анинг ўгли Асилзодани хон килдилар. Ул хам йигирма йил дунёлик шаробина асраб, юруб, эсрикликдин айрилди эрса, кўзин очиб кўрдик улуг оталарининг катинда ётиб турур, анинг бир ўгли бор эрди, ул ўглонга улуг отасининг отин кўюб эрди, Арслон теб, Арслонни хон килдилар (63-бет). Ул таки ўн йил отаси еринда ўлтуруб вафот топди. Андин сўнг икки ёш ўглон колди, аввалкининг оти Кўкам Бакуй, кичигининг оти Саранг. Кўкам Бакуйни подшох килдилар, кўп кичик ерди, яхши ва ёмонни билмас эрди, ул замонда Ўгуз элининг бир ёгиси бор эрди, Кора шит отли, ул Арслонхоннинг ўлганин ва андин ёш ўглонлари колганин ва онлар подшохлик кила билмай Ўгуз элининг огзи ола бўлуб турганин эшитиб отланди таки келиб Арслонхоннинг ўрдасин ва бекларнинг эварин чопти Кўкам Бакуйни от олдина олиб кочтилар, ул вакт Саранг бешикда эрди, ани ёги ўлжа килиб олиб кетди, андин сўнг кўп йиллар ўтди. Саранг йигит етишгандин сўнг акаси Кўкам Бакуйга киши йибарди, мен коча билмайман, акам келиб мени олакурсун теб, муни эшитиб Кўкам Бакуй барча Ўгуз элининг лашкарин олиб бориб, Кора шитни чопиб, иниси Сарангни олиб эсон-омон эвина келди. Кўкам Бакуй йигирми йил подшохлик килиб вафот топди.

## АРСЛОН ЎГЛИ САРАНГНИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Кўкам Бакуй ўлгандин сўнг иниси Сарангни подшох килдилар, ул таки ўн йил подшохлик килиб, отаси кейининдин кетти. Андин сўнг Ўгуз элиндин подшох бўлган киник уругиндин Салжукбой бошлик кўп эл кўчуб Сир ёкасинда Хўжанд шахрина келдилар, анда кўп йиллар ўлтуруб, Нур вилоятига бордилар, анда юз йил ўлтуруб кўчуб Урганч бордилар, Урганчда ўлтура билмай кўчуб, Хуросон бордилар таки Марвдин Абулхонгача ўлтурдилар, ул вактда Хуросон султон Махмуд Газнавийнинг набираларининг кўлларинда эрди. Уларнинг давлатларининг косалари тўлуб тўкди деб турган вакт эрди, Салжукийлар Марви Шохи жахон (жон) шахрини олиб Тўгрулбекни (64-бет) подшох килдилар. Алп Арслон ва Султон Маликшох ва Санжар Мозий мунлар шул жамоатдин турдилар, ул подшохларнинг хикоятларини бизнинг айтмогимиз хожат эрмас, биздин бурунги ўтганлар ул подшохларнинг насабларин баён килмок учун чандон хитоб айтиб турурлар. Анинг хисобини худой таоло яхши билур. Салжукийлар туркман бўлуб,

каринтошмиз теб, элга ва халкга фойдаси тегмади, подшох бўлгунча туркманнинг киник уругиданмиз тедилар таки подшох бўлгандин сўнг Афрасиёбнинг бир ўгли Кайхисравдин кочиб, туркманнинг киник уругининг ичина бориб, анда ўсуб колиб турур. Биз анинг ўглонлари ва Афрасиёбнинг наслиндин бўлурмиз, теб оталарини санаб ўттуз беш оркада Афрасиёбга еткурдилар. Ўгуз эли Кўкам Бакуй бирлан Сарангдин сўнг ўз бошина подшох кўтариб ўлтура билмадилар, Ўгуз элининг Мангкишлок ва Абдулхонда ўлтурганлари Урганчда хар ким подшох бўлса, анга тобиъ бўлдилар ва Хуросонда ўлтурганлари Хуросонда хар ким подшох бўлса, анга тобиъ бўлдилар ва Мавороуннахрда ва хар юртда ўлтурганлара шундак бўлдилар.

## САЛУР, ЎГУРЧИК АЛПНИНГ ОТАЛАРИНИНГ ВА ИНИЛАРИНИНГ ВА ЎГЛОНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Шох малик бузуклигинда Динглибек бошлик Ирокга борган салур эли кўп йиллар анда ўлтургандин сўнг уларнинг ичинда Ўгурчик отли бир тугшили йигит пайдо бўлди, туркманларнинг тарих билатурган кишилари Ўгурчик Алпни ўн олти оркада Ўгузхонга еткариб, мундак санаб турурлар ким Ўгурчик Алп отаси Корагозибек анинг оти Карач (65-бет) анинг отаси Бенамгози анинг отаси Бўричигози, анинг отаси Килалгози, анинг отаси Иналгози, анинг отаси Сулаймонгози, анинг отаси Хайдаргози, анинг отаси Ўткўзли Ўрус, анинг отаси Козон Алп, анинг отаси Энкаш, анинг отаси Эндар, анинг отаси Ота, анинг отаси Темур, анинг отаси Салур, анинг отаси Тогхон, анинг отаси Ўгузхон. Бу сўз мазах, галат турур. Анинг учун ким Ўгуз замониндин то бу вактгача беш минг йил ўтуб турур, Ўгурчик замониндин то бу вактгача беш юз йил, олти юз йил бўлуб турур. Ўгуз бирлан Ўгурчикнинг ораси тўрт минг тўрт юз йил, ўн олти орка тўрт юз йилда харчанд кўп бўлса, тўрт юз эллик йилда ўтар. Бас Ўгурчикнинг тўрт минг йилда ўтган оталарининг оти кани? Бу битилган ўн олти киши Ўгуз ўглонлари эркани рост ва Ўгурчикнинг оталари эркани хам рост, аммо кайси киши ким эл ичинда машхур бўлса, ани битиб турур ва гайр машхур кишиларни битмай турурлар. Худой билурким бу битилган кишиларнинг хар кайсисининг орасинда ўн беш ё йигирми кишининг оти битилмай колиб турур. Анинг учун айта турурмен ким Ўгуз бирлан Ўгурчикнинг орасинда тўрт минг тўрт юз йил кечиб турур, хар минг йилда кирк орка ўтса керак ким икки юз орка ўтгай эрди, бас галат теган нечук бўлур. Бу фалакнинг гардишини нимарсаларини унутурмаган турурким бу анинг катинда сахл турур. Бу сўзнинг галатилики яна бирважхе, бу ким Салур Казонни олти орка ўтуб, еттиланчи оркада Ўгузхонга еткуруб турурлар. Эмди бу сўзини ўкуган ва тинглаган кишилар яхши фикр килинг, Ўгузхон бизнинг пайгамбардин тўрт минг йил илгару ўтган турур, Козон Алп бизнинг пайгамбардин уч юз йил сўнг эрди, кариган чакинда Макка (66-бет) бориб, хожи бўлуб келди. Бас Салур Казан олти оркада Ўгузхонга нечук етар ва таки Салур Козон кайи Кўркут ота бирлан бир замонда эрди, Кўркут отанинг Салур Казан Алпни махтаб айтган тартими (тарихи)
бу турур:
Казгурт тогдин ўнгур тошни Салур Казан ўтрт боруб, Карбаб югирлатди, тутди. Ит Бачна кўруб ану эси кетди; Алплар, беклар кўран барму Казан каби. Бир козонга кирк бир

отнинг этин салди: Ул козонни сўл элики бирлан олди. Сог элики бирлан элга улаштурди. Алплар, беклар кўран борму Казан каби. Кўк осмондин иниб келди, тинли ййилан. Хар одамни ютар эрди кўрган замон Салур Казан бошин кесди бермайй омон. Алплар, беклар кўран борму Казан каби. Ўттуз, кирк минг лашкар бирлан Казан Ит Бачна элларини келди кириб, Бориб бир нечаси кутулдилар кўп ёлбориб, Алплар беклар кўран борму Казан каби, Турк ва туркман, араб, ажам раиятлар. Казан килди мусулмонга тарбиятлар, Кофирларни кирди ўшал кўп фурсатлар, Алплар беклар кўран борму Казан каби. Андин хунар кўтардилар барча ули (улуг), Баъзиларга ўрун берди сагли, сўлли, Бизга бўлди камуг элинг ўрни дингли, Алплар, беклар кўран борму Казан каби. Сабох саёх Кўркут ўлар бўлдунг эмди, Ул Казаннинг давлатина дуо килгил;
Билгил, (67-бет) карвон кетди кўп кеч колдинг, Алплар, беклар кўран борму Казан каби йўлга киргил эмди.
Ўгурчикнинг хикоятин айталинг: ул замонда Ирокнинг кучли халки баёндур эли эрди, Ўгурчик Алп баёяндур, бегининг хукмини тутмади, Баёндурбек Ўгурчик бирлан ёман бўлди, Ўгурчикнинг Баёндур бирлан урушгутег куввати йўк эрди, минг эвлик эли бирлан Иракдин кочиб шамайга келди, тўккуз юз эвлуги салур ва юз эвлуги каркин эрди, анда хам ўлтургали Баёндурдин кўркуб, Крим келди, андин кўчуб, Итил сувини кечиб, Ёйик сувина келди, ул вактда Ола кеник ва Кора кош теган ерда канигли халки ўлтуруб эрди, онларнинг хонларининг оти Кўктўнли теган, анинг кашига келиб, бир неча йиллар ўлтурди. окибат анинг бирлан хам ёман бўлуб, кўчуб кочти, Кўктўнли кейининдин етиб, етти юз эвлигин олиб колди, уч юз эвлик бирлан кочиб, Мангкишлок бориб, Корахон теган ерда уч йил ўлтурди. Кўктўнли Ўгурчикнинг кайда кетганин билмай турур эрдилар, уч йилдин сўнг, эшитиб отланди, анинг отланганин Ўгурчик эшитиб, эли бирлан кочиб, кутулуб Абулхон тогига борди, ул вактда Ўгурчикнинг айтган тартими бу турур: дундум кочиб каникли хондин Кибла сўрдум, Кор ел ошиб келган эр ўнгиндин дўндум ... (68-бет)
Карчиларга ерчиларга ййўл бошлатдум;
Кояли, корли икки кўла ййўл юмшатдум;
Аркит-аркит кирларга турчум салдум;
Орт ўнгумга бузга солиб кўчум тортдум;
Кар (кир) отимда (тог) ййўлиндин ошиб, бордум;
Кабоклидин олинча юрт юртландум кўралдашиб ортимдин ёги атди;
Каййки бошли кати ёййга иш буюрдум;
Конли иринглика енг ўкга кон юргутдум;
Чопса кесар курч-пўлодга туг боглатдум;
Киличим сириб бел эгшамда (энгсамда)куййи каздум;
Ова кишлаб кар(да) ёйлаб балкан ашдум;
Эгса ёсин Кора тогга ўграб келдум;
Канки гурух тўйй тутмади анда бўлдум;
Олтун кўзли табушканни кетурди теб;
Каз аёги уч аййри тамга бердум
Корагози бекнинг тўрт ўгли бор эрди, аввал Ўгурчик Алп иккинчи Суварчик, учунчи Дудик, тўртунчи Кабачик, бу тўртининг ўглонлари Тангрим буюрса (69-бет) бир-бир айталинг. Ўгурчикнинг олти ўгли бор эрди, хар кейининдин эгиз бўлуб. отлари бу турур: Берди, Бука бир эгиз, Авсар (Ўсар) Кўсар бир эгиз; Ёбчи Дингли бир эгиз, Бердининг икки ўгли бор эрди, бирининг оти Кулми ва бирининг оти Кул хожи; Кулминиг ўглонлари Ёвмут ва Калтак эли турур, аммо Ёвмутниг икки ўгли бор эрди, бирининг оти Ўзли

Темур эрди, бирининг оти Кутли Темур, аммо Ўзли Темурнинг уч ўгли бор эрди, отлари бу турур: Исо ва Мусо ва Бахром шох; Кутли Темурнинг уч ўгли бор эрди, отлари бу турур: Жуни ва Ширан ва Кучик; Кулхожи ўгли Арсарибой, анинг уч ўгли бор эрди, Иналгози ва Зайналгози ва Мустафогози; Иналгозининг икки ўгли бор эрди, бирининг оти Тўра ва бирининг оти Сўкман, Лайна ва Чоршанки бу икиисининг ўглонлари турур; Зайналгозининг ўглонлари Кора ва Бакавул турур (70-бет), Мустафогозининг ўглонлари Улуг Тўпа ва Кунаш турур. Бука ўглонлари ички салур турур ва яна бир номада мундак демишлар ким салур элинда бир киши бор эрди, Энкаш отли хотунининг оти Чачакли, ўглининг оти Казан Салур, Казан Алп тегин ул турур, ул замонда бачна элининг бир подшохи бор эрди, Тўймадук отли, ул келиб Энкашнинг эвин чопиб Чачаклини асир этиб олиб кетди, уч йилдин сўнг Энкаш мол бериб ани кайта олди, Чачакли эвга келгандин олти ой(дин) сўнг бир эркак ўгул топди, Казан Алп онасина бу ўглонни сен кайдин олдинг теб ёгоч бирлан уруб бошин ёрди. Чачакли айтди: ёги келди карариб, кочиб кетдинг бўзариб, тевага миниб кейининдан бора эрдим кабариб, Ит Бачна изимдин етди, теванинг бошин тутди, ичи кайнади, тоши ёйнади, устумга миниб ўйнади, ихтиёримни олди, бу ўглонни ичимга солди теди, ул ўглонни Ит Бачна элиндии бўлди, теб отини Ирак кўйдилар, турк ичинда расм бу турур, итнинг отини Ирак-серак кўймак, Иракнинг бир ўгли бор эрди, Арикли отли, ички салур Арикли отли, ички салур Ариклининг ўглонлари турур, теб турурлар: ул замонда биз йўк эрдук, чинин ва ёлганин Худой яхши билур, агар ёлган бўлса, гунохи бурунки айтканларнинг бўйнига (71-бет). Авсар (Ўсар) ўглонлари тарокимайи салур турур, Дингли ўглонлари Жаби халки турур, Ёйчи ўглонлари бу вактда Аму сувининг ёкасинда Кора кўл ёкининда ултуруб турурлар, бу чакда хам анларни ёйчи дейтурурлар, Ўгурчикнинг беш ўглининг наслини баён килдук, аммо Кусар отли ўглиндин насл колгани маълум эрмас, эмди Ўгурчикнинг иниларининг наслин баён килалинг. Суварчикнинг бир ўгли бор эрди, Хуршид отли, Улам Урганчли эли Хуршиднинг ўглонлари турур, Азлар уруги Дудикнинг насли турур. Сакар эли Кабачик насли турур. Ўгурчикнинг инилари ва ўглонларининг наслларини айттук. Эмди ўзга элларни айталинг, Агар ва аймакли эли уйгур Эркил хўжа ким Ўгузхоннинг ўгли Кунхоннинг вазири эрди, анинг ўглонлари турур. Ямир эли халкининг асли мундак турур ким Мангкишлокда ички салурдин бир киши бир ички салурни ўлтуруб, кочиб Дурунда ўлтурган салур элининг ичина келиб туруб таки анлардин бир киз олиб, анда ватан килиб ўлтуруб турур, барча ямир эли-халки ул кишининг ўглонлари турурлар. Буркас Салур элинда Темур Туглихон теган бор эрди ва таки салурдин Исик Исмоил отли бир киши бор эрди, бир ердин кела турур эрди, кўрди эрса, Темур Тугли хоннинг эви кўча турур, отдин тушуб ўлтурди, кўч узаб келгандин (72-бет) сўнг, шояд бир нимарса колган бўлгай теб, юртка борди эрса, кўрди ким ўчок ичинда бир ёш эркак ўглон ётиб турур. Ул кишининг ўглони йўк эрди, ани ўзига ўгул килиб саклади ва отини Буркас кўйди, барча буркас эли анинг насли турурлар, така ва сарик салур елинда бир киши бор эрди, Тўй тутмаз така ва сарик эли анинг ўглонлари турурлар.

## СЎНГ ТУРКМАН БЎЛУБ, ТУРКМАНГА КЎШУЛГАН ЭЛЛАРНИНГ ЗИКРИ

Эски, ул замонда ким Урганчда Абулхон ва Мангкишлок Ўзбекхоннинг ўгли Одил Жонибекхонга тааллук эрди. Жонибекхон Уйгур Саникли Син теганни туркман ичина йибарди то уларнинг айбли ва гунохкорларини сўрсун теб ул келиб, эл ичинда бир йил турди, хар ерда гунохкор ва айбли бўлса, сўрай турур эрди, навкари ва куллари кўп эрди, Аёз отли бир кули бор эрди, барча куллардин пеш кадам ул эрди, туркманнинг гунохкорлари ким бошимдин ё молимдин айрилурмен теганлари барчаси бир ерга йигилиб, Аёзга кўп ришватлар бериб, айтдилар. Ким агар сен бегингни ўлтурсанг, биз элдин олган молларни ва эвдин келтурган кўшини барчасин санга бералинг, хар качон Жонибекхон киши йибариб, сени тиласа, биз халк сенинг учун кириллали ва йўколали, сени тутуб бермагали тедилар. Аёз кўп молга ва буларнинг ширин (73-бет) сўзина кўнглини бериб, бир кеча гофил ётганда Саникли Синни ўлтурди. Хожасининг молиндин Аёзга бир ўглок хам тегмади, хар ерда кўйган молларга ким якин бўлса, анлар тилаб олдилар, Саникли Синнинг навкарлари Жонибекхон катига кайтиб кетдилар, Аёз кўркканиндин кета билмай Абулхон тогинда ўлтурган туркманларнинг ичинда колди, ўшал йил Жонибекхон Итил сувининт ёкосинда Сарой шахринда хак рахматига кетти ва барча эски халки шул Аёзнинг ўглонлари турур. Хизр эли салур элиндин Абулхонда Арсарибой теган бор эрди, узок умр топкан, давлатли ва мусулмонликка кўшиш кила турган киши эрди, бу сўзимизнинг далили бу ким ул замонда Урганчда бир азиз киши бор эрди, Шариф отли, шайхлик маснадинда ўлтурган ва хам мулла эрди, Арсарибой бориб шайхи мазкурга кирк тева пиёз бериб, инобат килиб, илтимос юзиндин арз килди ким биз турк халки турурмиз, арабий китобларини ўкуб, маънисига етишиб, амал килмаклик баси мушкул бўлатурур, агар арабий масъалаларни туркий таржима килиб, иноят килсангиз эрди, савобга шерик бўлур эрдингиз теди эрса, шайх Шарафхўжа таки барча масъалайи динийни таржима килиб, бир китоб этиб «Муаййинул мурид» от кўюб Арсарибойга берди. Ул вактдин то бу кунгача барча туркманлар ул китобнинг масъалаларига амал килатурурлар.

Ул вактда Эрон подшохи Хуросонни Камабек теганга бериб (74-бет) эрди, ул Хуросон келгандин сўнг эшитди ким Абулхонда Арсарибойнинг Мома отли кўркали яхши кизи бор эрмиш теб киши йибариб, кўп мол берайин теди тилатди, бой бермади, бермасин билгандин сўнг Камабек кўп черик бирлан отланиб, Абулхонда дукар теган кудукда Арсарибойни шахид килиб, элини чопиб Мома бекани олиб бориб никох килиб кўп йиллар саклади, Мома бекадин хеч ўглон бўлмади, ул сабабдин Арсарибойнинг ўглонларига киши йибарди, каринтошларини олсунлар теб, булар Кўлтак, Корача мерган теганни йибардилар. Камабек Мома бекага кўп мол бериб, Корача мерганга топшуруб йибарди, бир эвли кул таки бериб эрди, ул кулнинг тўрт ўгли ва икки кизи бор эрди, улуг ўглининг оти Хизр, иккинчи ўглининг оти Али ва учунчи ўглининг оти Игбек ва тўртунчи ўглининг оти Кашга, Момабека кари бўлгандин сўнг молларининг барчасини Худой йўлига берди. Камабек берган кулнинг ўзи ва хотуни ўлуб эрди, тўрт ўгли ва икки кизни озод килиб йибарди, тўртуси хам эвли ва кўп молли кадхудойлар бўлуб хар кайси бир ерда ўлтурдилар. Хизр чура Аму сувининг ёкасинда Гардиш теган ерда экин экиб ва хам чахорпойдорлик килиб (75-бет) улуг бой бўлди, ул вактда ўзбекни мўгул дерлар эрди, тўрт мўгул келиб, Хизр чурага етим бўлуб, молларин бокди. Андин сўнг олти салур келиб етим бўлди, анларнинг барчаси давлатманд булдилар атроф ва жавонибдин оч арик ва чаптурган, олдирган келиб, буларга кўшулуб ўлтурдилар, кўп эл бўлдилар, анларнинг юртда анларнинг юкориси Тўн кири ва аёги Кири кечит эрди, хар киши анлардин не халксиз теб, сўрса Хизрбойнинг кишиларимиз дерлар эрди, бора-бора халк анларга Хизр

эли тедилар. Хизр элиндин бир уруги бўлур. Анга Кутлар (Куртлар) дерлар, анлар Хизр чуранинг наслиндин турурлар. Эмди Хизрнинг иниси Алини айталинг. Али чўра таки акаситег Аму сувининг ёкасинда юрт тутуб ўлтурди ва давлатли бўлди, ўзбек ва туркманнинг факири ва мискини анинг катинда ўлтурдилар, анларнинг барчасига Али эли тедилар, Али элининг ичинда бир уруги бўлур, мўгулчиклар теган анлар Али чўранинг наслиндин турурлар, уларнинг юрти Аму сувининг икки тарафинда юкориси Кири кечит, аёги Актам, учунчи иниси Игбек озод бўлгандин сўнг Арсарибой ўглонларининг катиндин айрилиб ўзга ерга кетмади, анинг ўглонларига куллар тедилар, анлар хам икки бўлак бўлдилар, бирисина куллар дерлар ва бирисина чигатой куллар дерлар. Чигатой демакнинг маъниси ул турур ким Хуросон Темурлининг авладининг кўлинда эрканда улуг тўпа халки Абулхонда Аму сувининг ёкасинда ўлтурган эркан турурлар, Аму сувининг кибла тарафинда бир Кўк отли киши келиб, фарёд килиб айтиб турур: мени ўтказингизлар теб, улуг тўпалар кема йибариб, ўтказиб, сўруб турурлар, ким бўлурсен ва кайдин келатурурсен теб ул йигит айтиб турур, Чигатойнинг арлат теган уругиндин бўлурман, бир кун Хуросоннинг Дурун теган вилоятинда бир неча йигитлар бирлан шароб ичиб ўлтуруб эрдук, ичимизда бир яхши киши бор эрди, ул менинг бирлан урушти, мен ани пичок бирлан санчтим, ул киши шул замон ўлди, кеча эрди, ўлганин каринтошлари хабардор бўлмасдин бурун кочиб, сизнинг халкни бутуб келибмен, теди таки кўп йиллар улуг тўпа ичинда юрди. Хеч киши анга киз бермади, ахир Ичбек чўранинг ўглонлариндин бириси анга киз берди, андин тўгганларга чигатой куллар тедилар. Тўртунчи Кашка чўра ул таки Аму сувининг ёкасинда ачи тенгизнинг якининда юрт тутуб ўлтурдилар. Анинг ўглонларина Кора эвлилар тедилар, Улуг акаларидан давлатли бўлуб, мунинг катига хеч киши келиб кўшулмади, анинг учун ўлтурган ери ёмон эрди, экин экар ери йўк эрди, мол ўтлар ўти хам оз эрди. Тевачи эли Сайинхон авлодидин, ул киши ким мусулмон бўлди. (77-бет) Ўзбекхон алайху рахма эрди, ул Итил сувининг ёкасинда Сарой шахринда вафот топди, ўгли Жонибекхон отаси тахтида ўлтурди, Урганч ва боши Каргали илк ва аёги Астрободгача ўлтурган туркман Жонибекхонга тааллук эрди, хонга айтдилар ким Абулхон тоги тева ўсгали ажойиб яхши ер турур теб, бу сабабдин хон ўттуз эвли сарбонни кўчуруб, Абулхон тогига йибарди, анинг ичинда хар уругдин бор эрди, барчаси маълум турур ким подшохлар хизматинда хар тоифадин бўлур, анлар хам шундак эрдилар, Жонибекхоннинг бир кишиси Абулхон туркманига келиб, хар йилда олатурган молларини олиб, кўп тевани айтилган ўттузли тевачига топшириб кетди, то Жонибекхон ўлгунча Абулхонда ўлтурдилар, онларга тевачилар тедилар. Жонибекхон хам хак рахматига борди ва ўгли Бердибек хон бўлди. Анинг замонинда хам тевачилар хонлик тевани бакиб ўлтуруб эрдилар, Бердибекхон ўлгандин сўнг Ўзбекнинг ичи бузук бўлди, ани Абулхон туркмани эшитиб, хоннинг теваларини таладилар, тевачиларни чопдилар, андин сўнг тевачилар очлик сабабиндин балик овларбиз теб, Кашка чуранинг ўглонлари кора эвлилар катига бориб ўлтурдилар, бир неча йилдин сўнг тевачилар кўп халк бўлдилар, онларнинг юртларининг юкориси Актам аёги Ўгурча эрди, Кора эвлилар тевачилар ичинда кўп орка ўлтурдилар (78-бет). Анлардин Халил отли бир тугшили йигит пайдо бўлди, ул вактда Кора эвлилар ёрли бўлуб эрдилар. Ул сабабдин Халил бошлик барчаси арсари халкининг ўнбеги ва яхшиларининг олдига келиб айтдилар ким ўзунгиз хизматкорларингиз эрдук, кўп оч ва арук бўлуб турурмиз, сизлардин ўтунимиз ул турур ким улуг Абулхон ва кичик Абулхон тогининг кўшларин ва экин экатурган чашмаларин бизга берсангиз сиз хар нимарса тесангиз хар йилда ани биз сизга бералинг тедилар, арсари яхшилари йигилиб ўлтуруб

айтдилар ким улуг отамиз Арсарибой соткун олган улуг Абулхонда олти окар чашма, ўн эва лочин ва ўн саккиз итолгу ва кичик Абулхонда тўрт эва лочин ва олти эва итолгу бор турур, чашмалардин хам нечокли ошлик хосил бўлса, анинг ёрини бизга беринг ва таки аран тегмак учун икиси минг камиш беринг, ўн улуг лочин ва тўрт жўра (чўра) Лочин ва ўн саккиз улуг итолгу ва олти сарича хар йилда келтуруб беринг тедилар, Кора эвли Халил кабул килди ва таки айтди ким бизнинг кўшларини олгали урганимиз йўк ва тедилар, ўнбеги ва яхшилар элдин йигиб айт, эшиттуруб озукимиз йўк тедилар, ўнбеги ва яхшилар элдин йигиб айт, эшиттуруб юз кулоч аргамчи ва олти ўглокли эчки ва икки тулам (тулум) чўгалик ва бир эшак бердилар. Онлар кўп йилларгача бу айтилган нимарсаларни берурлар эрди, бу вактда анлари тог сакари дейтурурлар, анинг учун Кашга чуранинг ўглонлари турур, Кашга бирлан (79-бет) сакарининг маъниси бир турур.

## ЎГУЗ ЭЛИНА БЕКЛИК КИЛГАН КИЗЛАРНИНГ ЗИКРИ

Туркманнинг тарих билатурган яхшилари ва яхшилари айтиб турурлар: етти киз барча ўгуз элини огзина бакиндуруб, кўп йиллар беклик килдилар. Анларнинг бири Олтун Кўзача Сундун бойнинг кизи ва салур Казан Алпнинг Хали (Хили) бўйи узун бўлур эрди. Иккинчи Каромиш бойнинг кизи ва Мамашбекнинг хали (хили) Барчин Салур эрди, анинг кабри Сир сувининг ёкасинда турур ва халкга машхур турур, ўзбек анга Барчиннинг Кўк кошона дер, кошинкорли яхши каниз турур, учунчи Кайибойнинг кизи ва чавулдур Бола Алпнинг хали (хотуни) Шабати эрди; тўртунчи Кўндибойнинг кизи, Бияган Алпнинг хали Кунин Кўркли эрди. Бешинчи Юмакбойнинг кизи, Какин Кўнак Алпнинг хали таки бир Кунин Керкли эрди. Олтинчи Алп Арслоннинг кизи Кастан Кора Алпнинг хали Керча Бўлади эрди; еттинчи Киникбойнинг кизи Дўдалбойнинг ўгли (80-бет) Кимачнинг хали (хили) Кугадли эрди.

Тарих минг таки етмиш бирда Хоразм мамлакатинда тахрир топди, таммат китоб битилди.

Нашрга тайёрловчи: Тарих Фанлари Доктори, Халкаро Махмуд Кошгарийй мукофоти совриндори
КОЗОКБОЙ МАХМУДОВ